ЎзССР Давлат китоб палатаси
Рес. ишлари палатасига ўтказилди
-4 1 1 99

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 2 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 50 (6638)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА БЕРИЛАДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархларини шакллантириш шароитларида аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 ноябридан Ўзбекистон Республикаси аҳолисига берилаётган амалдаги ҳар ойлик компенсация тўловлари 1,5 баравар — 100 сўмдан 150 сўмгача кўпайтирилсин.

2. Кўрсатилган компенсацияларни тўлашнинг амалдаги тартиби ва шартлари сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга компенсациялар миқдори (150 сўм) нинг 50 фоизи Республика бюджети ҳисобидан қопланади, даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибига киритсин ва уларни вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармонининг 1 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 31 октябрь.

ШАРҚ БОЛАЛАРИ

Тарихнинг ўрта асрлар санасида "Шарққа юриш" деб аталмиш ҳаракат пайдо бўлган эди. Дунё Шарқнинг фусункор маданиятию бетакрор илм-фанини, ўзига хос урф-одатию антиқа турмуш тарзини мезон сифатида қабул қила бошлади. Не-не алломалару закийлар она Осиё қошида таъзим бажо келтирдилар. Лекин Шарқда яшаб туриб, Шарқдан юз ўгириш энг катта фожиа. Ва биз ана шу фожиа бўсағасида эдик...

Иншооллоҳ, бу мудҳишликлар ҳам ортда қолди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 309-шарқ тиллари мактаб-лицейи шарқона қондошлигу қурдошликни ўзида мужассам этган билим даргоҳларидан. Икки йил муқаддам ташкил топган мактаб-лицейда бугунги кунда 356 толиби илм араб, форс, ҳинд ва турк тиллари, шу билан бирга инглиз тили ҳамда жаҳон иқтисодиёти бўйича сабоқ олишяпти. Ўқув жараёни олий ўқув юртлари дастурига ҳамоҳанг олиб борилмоқда. Профессорлар, фан номзодлари, олий тоифали ўқитувчилар ўқувчиларга сабоқ беришмоқда.

Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.

К. ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Мактаб ва оталиқ ташкилотлари

ВАТАННИ СЕВМОҚ ШИОРИМИЗ

Сирғали тумани Ҳамид Олимжон номидаги 237 – мактабни Ўзбекистон "Ҳаво йўллари" авиакомпанияси Тошкент тайёрагоҳи оталиққа олган. Оталиқ ташкилоти раҳбарлари ҳозирги қийин иқтисодий шароитни инобатга олиб, мактаб жамоасига катта ёрдам уюштираяпти. Янги ўқув йилидан бошлаб шу ташкилот ёрдами билан синф раҳбарларига ҳар ойда қўшимча 30 сўмдан ҳақ тўланяпти. Обуна мавсуми бошланиши биланоқ мактаб муаллимларининг барчаси "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарига бепул обуна қилинди. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларига 50 минг сўмлик турли дарс жиҳозлари, ҳар хил ўқув қуролларини совға тариқасида инъом этдилар. Ҳиммати баланд бу ҳомийлар мустақил юрт келажаги, Ватан истиқболи мактабда деб билаётирлар.

Мактаб жамоаси ҳам ўз навбатида илм дея аталмиш тараққиёт гулшанини янада обод этишга, уни қадрлашга ҳаракат қилишиб, кўплаб тадбирлар ўтказишяпти. Зеро, илм масканида "Ўғил – қизларни тарбиялашда мактаб, маҳалла, жамоатчиликнинг ўрни" мавзуида бўлиб ўтган мактаблар тарбиявий ишлар бўйича директор муовинларининг шаҳар анжумани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу тадбирда мактаб раҳбарлари, тарбиявий ишлар бўйича уларнинг ўринбосарлари, муаллимлар, маҳалла оқсоқоллари, ота – оналар иштирок этишди.

Анжуманни Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарбиявий ишлар кабинети мудири Рихси Алматова очди. У ўз сўзида ўтказилаётган анжуманнинг моҳияти, ўқувчиларни тарбиялашда мактаб, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлиги чуқур аҳамият касб этиши тўғрисида фикр билдирди: Мактаб директори Асқар Сулаймонов ва Усмон Юсупов номидаги маҳалла қўмитаси раиси Файзулла Абдурасулов илм масканида эришилган ютуқлар, келажакдаги мақсадлар, бола тарбиясида оила, маҳалла фаоллари иштироки хусусида таҳлилий фикр юритдилар.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, дарс ва машғулотларни кузатишди. Биз она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Турсуной опа Ғуломованинг "Ватанни севмоқ бурчимиз" мавзусида ўтган дарсида бўлдик.

Ўқувчилар билан саломлашилгач, опа дарров дарсни мунозара услуби билан бошлаб юборди. "Ватан, бурч, масъулият, диёнат, омонат нима?", каби саволларни ўртага ташлади. Ўғил – қизларнинг бирин – кетин жавоблари тингланди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ватан туйғуси ҳақида айтган ибратли гаплари магнитофондан эшиттирилди. Муаллима уларни умумлаштириб, ўқувчиларга мустақил юрт келажаги ва унинг бойликлари, мамлакатимизнинг ҳалқаро миқёсда ошиб бораётган обрўси тўғрисида батафсил тушунча берди. Ўғил – қизлар эса шоирларимизнинг Ватан ҳақидаги шеърларини ёд айтдилар.

Опа маҳалла оқсоқоли Файзулла Абдурасуловни дарсни давом эттиришга чорлади. Отахон гапини "Илм олиш барча мўмину муслимларга фарздир" деган ҳикматдан бошлаб, иймон, инсоф, меҳр, тежамкорлик тушунчалари шарҳи билан тугаллади.

Муаллима ҳаж сафари ва Ватан туйғусини уйғунлаштириб, ривоят сўзлади. Ўқувчилар ундан яхши хулоса чиқаришди. Очиқ тарбиявий соат барча – барчада катта таассурот қолдирди.

Милиция ходимлари иштирокида ўтказилган "Ҳаракат қоидасини бил, унга амал қил!", "Оиланга ташвиш келтирма, вақтингни бекор ўтказма!" машғулотлари, "Яшил бойлик назоратчилари" чиқишлари ҳамда инглиз тили ўқитувчиси Д. Қодировнинг "Квадратдаги чақа" ўйин дарси ҳам анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Мунозарада сўзга чиққан Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг раҳбар кадрлар билан ишлаш кабинети методисти Раъно Муҳамедова, 32 – мактаб директори Олимжон Тўлаганов, Яккасарой туманидаги 144 – мактаб ўқитувчиси Ўлмасой Юнусова ва бошқалар илм масканида амалга оширилаётган ишлар, фан ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари тўгараклар фаолиятини яхши баҳолашди. Бунда шу мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Маърифат Одиловнинг ҳиссаси катталигини таъкидлаб, уни "Тошкент шаҳар халқ таълими фидойиси" нишони билан тақдирлашга тавсия этишди.

Анжуман иштирокчилари мунозараларда қайд этганидек, илм масканида ўғил – қизларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Она юртни севиш, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан қараш уларнинг кундалик шиорига айланган.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

БОҒ ЖАМОЛИ БОҒБОНДАН

Бозор иқтисоди шароити халқ таълими тармоқларида ҳам бошқарувнинг янгича усулларини жорий этишни, ходимлар ва педагоглар билан ишлашда тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишни ҳамда шу йўл билан эски андозалардан воз кечилиб, таълим ва тарбияда, сабоқ бериш маданиятида жаҳон андозалари асосида иш юритишни тақозо этмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбар ходимларни тайёрлаш, таълим бериш жараёнида улар масъулиятини ошириш борасида бир талай хайрли юмушларни амалга оширмоқда. Айниқса, вазирликнинг Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети бошқарув институти ҳамкорлигида бу борада бошлаган ташаббуси таҳсинга лойиқдир.

Ўтган жума куни Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мазкур университетда "Бозор иқтисодиёти ва менежмент асослари" дастури бўйича малака ошириш раҳбар ходимлар билан учрашди. Ўзаро фикр алмашувлар, баҳс ва мунозараларда асосий эътибор таълимни янгилаш, раҳбар ходимлар тайёрлашда мутахассисларни танлаш, маорифда ташаббускор, ишбилармонлар сафини кенгайтиришга қаратилди. Энг муҳими, мактабни янгича йўналиш асосида бошқариш диққат-марказда турди.

Ўзаро мулоқотда республикамизнинг турли вилоятларидан, мактаб ва олий ўқув юртларидан келган мутахассислар, раҳбарлар вазирлик бошлаган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни жойларнинг ўзида ҳам ташкил этиш таклифини билдирдилар.

Мухбиримиз.

"Йил мактаби —94" кўрик-танлови

МУВАФФАҚИЯТ НИЯТГА БОҒЛИҚ

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси "Йил мактаби" вилоят кўрик-танлови якунлари кўриб чиқилиб, Шаҳрисабз шаҳар Мирзо Бедил номидаги 13-ўрта мактаб республика кўрик-танловида иштирок этиш учун тавсия этилди.

Таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Шарофиддин Зайниддинов қисқача шундай деди:

— Илм масканимизда ўқитишнинг ноанъанавий усуллари жорий этилди, вилоят муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи билан мустаҳкам алоқа боғланди. Иқтидорли болалар учун "Нафосат" синфи, бир қатор лицей, гимназия синфлари ташкил қилинди.

Мактаб ўқувчилари шаҳардан то вилоятгача, ҳатто республикада ўтказилган турли ўқув-тарбия тадбирларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишди. Илм даргоҳида ижодкорлик маркази, турли секциялар, ишлаб чиқариш ширкатлари, тўгараклар самарали фаолият кўрсатаяпти. Меҳнат таълими дарсларида асосий эътибор ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларига қаратилмоқда. Шу асосда "Устоз ва шогирд" мактаби юзага келди.

Ота-оналар, ҳомий ташкилотлар (Шаҳрисабз мебель фабрикаси, "Чевар" кичик корхонаси) билан алоқа яхши йўлга қўйилган. Улар билан ҳамкорликда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хуллас, жамоамиз ҳар бир тадбирда илғорлардан ҳисобланиб келаяпти.

— "Келажаги буюк давлат учун муносиб кадрлар тарбиялаб берамиз" — бу мактаб жамоасининг шиори, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бошқармасининг етакчи мутахассиси Тўхтахон Абдумаликова. Аслида шиор — мақсадга йўналтирилган режа, дастур дегани. Ўқув даргоҳида бўлган киши ўқувчиларнинг қўлларини кўксига қўйиб, салом беришларидан оз бўлса-да, ҳайратланмасдан қолмайди. Демакки, бу ерда анъаналарга содиқлик тамойилига анча йиллардан буён амал қилиняпти.

Ҳозирги кунда мактабда 1800 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга 129 нафар муаллим замон талаблари асосида сабоқ бераяпти. Ўқув-тарбия жараёнини фаол юритиш учун мактаб ўз моддий-техник базасига ҳамда шаҳар қурилиш-саноат банкида махсус ҳисоб рақамига эга.

Мустақил молиявий фаолият ва билим муштараклиги ўқувчилар онгини тадбиркорликка, ўз меҳнати роҳатини оилага ёрдам бериш қувончини ҳис этишга ўргатмоқда. Аълочи ўқувчилар сони йилдан-йилга ошаяпти. Биргина ўтган ўқув йилида 198 ўқувчи ўқишдаги аъло ютуқлари учун синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларидан озод этилди.

Эришиладиган ҳар бир муваффақият ниятга ҳам боғлиқ. Ҳар ўқув йили бошланиши олдидан муаллимлар таълим-тарбияни янада яхшилаш борасида қутлуғ ниятлар қилиб, режалар белгилашади.

Бошланғич мактаб, шоир Элбек айтганидай, бўйи ўсиб, суяги қотмаган ёш мактабдир. Мактабга илк қадам қўйган болага ҳарф танитиш нечоғлик сермашаққат иш. Бу ишга мазкур мактабда худди ёш ниҳолни парвариш қилгандай сабр-тоқат, чидам ва бардош билан киришилади.

Ҳарф танитиш, сўзларни ўқиш билан бирга, сўзларнинг таркибий қисмларини таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантириш ўқитувчидан ўзига хос маҳорат талаб этади.

— Кичик ёшдаги болалар кўпроқ расмга қараб гап тузишни ёқтиришади, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Хосият Шаропова — Бу услуб улар нутқининг равон бўлишига олиб келаяпти.

Она-Ватанни севиш, унинг бетакрор ва гўзал табиатини асраб-авайлаш туйғуси ҳам услуб ва маҳорат уйғунлиги орқали болалар онгига сингдирилмоқда.

Бошланғич мактаб ҳаётидан "Соғлом авлод учун" дастури ҳам мустаҳкам ўрин олган. Заиф ўқувчиларнинг соғлиғини ўқишдан ажралмаган ҳолда даволаш учун 1991 йилда "Жисмоний соғломлаштириш хонаси" ташкил этилди. Унда педагог ва шифокорлар баҳамжиҳатликда ишлашади. Масалан, жисмоний тарбия муаллими Искандар Аҳмедов ўғил-қизларга машқлар бажартириб, уларнинг тик қоматли, жисмонан бақувват, баркамол бўлиб ўсишларига эътиборни қаратса, шифокор Раъно Назарова тиббий маслаҳатлар беради, тишларини даволайди.

Бундан ташқари мактабда 6 та фан тўгараги, бешта синфдан ва мактабдан ташқари тўгарак фаолият кўрсатаяпти. Адабиёт ихлосмандлари учун "Ҳофизхонлик", "Машрабхонлик", "Бедилхонлик" адабий мактаблари ташкил этилиб, уларда Шарқ педагогикасининг нодир намуналари ўргатилмоқда.

— Бедил баҳорини ҳар авлод ўзича томоша қилади, ўзича инкишоф этади, — дейди "Нафосат" синфи ўқувчиси Д. Одилова.

Дарҳақиқат, бундай синф ва мактаблар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, авлодлар меросига чуқур ҳурмат билан қарашга ўргатаяпти. Эътиқодли инсонлар етишиб чиқишига замин бўлаяпти.

Илм масканининг 1994-99 йилларга мўлжалланган дастури, географик майдони, боғи, ўқувчилар ширкати, болалар ва ўсмирлар уюшмаси, ўлкашунослар музейи, ёш дизайнерчилар синфи ҳақида узоқ гапириш мумкин. Қисқаси, мактабда амалга оширилаётган ижобий ишлар вилоятдаги барча илм масканлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда.

М. ҚУРБОНБОЕВ.

ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги республика Ўқув-методика маркази қошидаги Ўзбек адабиёти бўйича илмий—методик кенгашнинг навбатдаги йиғилишида умумтаълим мактаблари дастур ва дарсликларини "Таълим тўғрисида"ги Қонунга асосан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда мазкур дастур ва дарсликларни янги алифбога ўтказиш масалалари кўрилди.

Илмий кенгашда РЎММ директори Ш. Шомансуров адабиёт таълими соҳасидаги долзарб муаммолар ҳақида сўзлади. Таянч синфлар учун дастур, дарслик ва қўлланмалар, методик ҳамда кўргазмали воситалар мажмуасини яратиш шу кунинг муҳим вазифаларидир.

Шунингдек, нотиқ "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида гапириб, 1995 йилнинг ўзида бошланғич таълим бўйича 40 номда дастур, дарслик ва методик кўргазма қуроллар мажмуаси яратилаётганлигини алоҳида қайд этди. "Ўзбек адабиёти" бўйича 1994 йилнинг декабригача 5—6 синф дарсликлари янги алифбога ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Кенгашда мавжуд дарсликларни "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мослаб қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, яратилаётган дарслик ва қўлланмаларни янги алифбога ўтказиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Илмий кенгашда адабиётшунос олимлар У. Норматов, Б. Назаров, Н. Каримов ҳамда иқтидорли ёш олим Раҳмон Кўчқорлар томонидан яратилган 11-синф учун "Ўзбек адабиёти" дарслиги қизғин муҳокама этилди. Адабиёт ўқитувчилари илҳақ бўлиб кутаётган ушбу дарслик 1995 йилда нашрдан чиқади ва мактабларга етиб боради.

Илмий кенгашда, шунингдек олий ўқув юртлари учун "ХХ аср ўзбек адабиёти" /У. Норматов ва бошқалар/, "Адабиёт назарияси" /А. Раҳимов/ бўйича дастурлар, Н. Жумаев томонидан нашрга тайёрланган Шермуҳаммад Муниснинг "Саводи таълим" рисоласи, "Ўзбек мумтоз адабиёти бўйича курс ишлари" /Б. Мамедов/ қўлёзмалари муҳокама этилиб, нашрга тавсия қилинди.

Н. ҒУЛОМОВА.
РЎММ етакчи мутахассиси.

Газетхонга беш савол

1. Газетамизга обуна бўлганмисиз, уни мунтазам ўқиб борасизми?

2. "Маърифат"да ёритилган қандай материаллар сизга маъқул бўлди, келгуси йилда газетада кўпроқ қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?

3. Газетамизда ёритилган расмий материаллар — раҳбарлик идораларининг таълим-тарбияга оид муҳим ҳужжатлари ва уларнинг тафсилотлари, ўқув режалари, дастурлари, тавсиялар, концепциялар ва бошқалар фаолиятингизда қандай ёрдам берди?

4. Саҳифаларимизда халқ таълими тизимидаги қандай янгиликлар, мактаб педагогларининг қандай илғор тажрибалари тўғрисида батафсил ёритилган материалларни ўқишни истайсиз?

5. "Маърифат" мундаражасини янада бойитиш, унинг материаллари таъсирчанлигини ошириш, газета саҳифаларини ўқувчига кўринишли қилиб чиқариш юзасидан танқид, таклиф ва истакларингиз?

ИСТАКЛАРИМ

1. Газетанинг доимий мухлисиман. Тумандаги халқ таълими ходимларидан 1000 нафари 1995 йилга обуна бўлишини уюштирдим.

2. Газетада маориф соҳасидаги фармонларнинг, илғор тажрибаларнинг, таълим ва тарбияга оид янгиликларнинг ёритилиши айни муддао бўлаяпти. Айниқса, халқ таълими тизимини такомиллаштиришга оид Япония, Франция ва Америка таълими тўғрисидаги илмий ва амалий мақолалари менга манзур бўлди. Уларни ўқитувчилар ўртасида тарғиб қилмоқдамиз.

3. "Маърифат"да берилган илмий қадрият ва миллий мафкурамизни тиклашга оид, халқ маорифининг тарихини акс эттирувчи, ҳозирда кенг оммалашаётган алифбесиз ўқитишга тааллукли материаллар, таълим ва тарбияга оид ота-оналар учун тавсиялар, фанлар бўйича концепциялар-нинг, фан олимпиадаларининг республика натижалари, "Ўқитувчи-94", "Тарбиячи-94", "Йил мактаби" тўғрисидаги материаллар биз учун ўзига хос дастуриламал бўлмоқда.

4. Мен "Маърифат"да мактаб кенгашлари, иқтидорли болалар гимназия ва лицейларининг фаолияти, табақалаштириб ўқитишнинг афзалликлари, ёш ўқитувчиларга ёрдам, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси бўйича материаллар кўпроқ ёритилишини истардим.

5. Тилагим — ютуқлар ҳақидаги мақолалар билан бирга танқидий чиқишлар ҳам тез-тез чоп этиб турилса. Газета ходимлари туман ва қишлоқларда кўпроқ бўлишиб, газетхонлар билан очиқ мулоқот ўтказиб туришса. Шунда "Маърифат" мундарижаси янада бойиши табиийдир.

Исроил САТТОРОВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири.

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

1. "Маърифат"сиз фаолиятимни тасаввур қилолмайман. 25 йилдан бери ўқитувчилик қилсам, ўшандан буён ҳар йили унга обуна бўламан. 1995 йил учун ҳам ҳаммадан илгари обуна бўлиб қўйдим.

2. "Маърифат"да берилаётган мақолаларнинг бизга маъқул томони шуки, газета орқали республикамиз мактабларидаги илғор иш тажрибаларидан хабардор бўлиб бораяпмиз. Унинг саҳифаларида кўпроқ новатор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари кенг ёритилган мақолаларни ўқишни истардик.

3. Газетада ёритилаётган расмий материаллар, муҳим давлат ҳужжатлари, ўқув режаларининг берилиши ўқитувчилар учун катта аҳамият касб этади. Бу каби маълумотларни ўз газетамиздан ўқиб билмасак, анча қийналиб қолишимиз мумкин.

Тавсия ва концепциялардан меҳнат фаолиятимизда ўрни билан фойдаланиб келаяпмиз.

4. "Маърифат"да муаллимларга маърифат улашувчи илғор тажрибалар кўпроқ ёритилишини истаймиз. Имкони бўлса, қайси туманларда нечта лицей, гимназия, коллежлар ташкил этилгани тўғрисидаги хабарлар бериб борилса, баъзи раҳбарлар учун бир туртки бўларди, деб ўйлаймиз.

5. "Маърифат" мундарижасини бойитиш учун газетхонлар доирасини кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Таҳририятга юборилган хатларимизга ўн-ўн беш кун ичида жавоб бўлса, деймиз. Шундагина газетхонларнинг сафи ортади ва саҳифалар ҳам ранг-баранг бўлиб бораверади.

Насиба ХОЛМУРОДОВА,
Касби туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани метод бирлашмаси бошлиғи.

ТАҲРИРИЯТДАН: "Маърифат"нинг шу йил 5 октябрь сонида газета фаолиятини янада яхшилаш, мақолалар мавзу доирасини кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш, услубий ранг-баранглиги кучайтириш, илғор иш тажрибаларини янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида муштарийларимизга беш савол билан мурожаат қилган эдик.

Юқорида ана шу саволларга келган жавобларнинг иккитасини чоп этаётирмиз. Ҳар икки газетхонга амалий таклифлари учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, Насиба Холмуродованинг 5-саволимизга берган жавоби юзасидан баъзи фикрларни маълум қилиш жоиз деб билдик.

Н. Холмуродова "Таҳририятга юборилган хатларимизга ўн-ўн беш кун ичида жавоб бўлса, деймиз" деб ёзади. Синчков газетхон тўртинчи саҳифа этагидаги қуйидаги ёзувни илғаган бўлиши табиий: "фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди". Бу, албатта, вақтимиз йўқлигидан қилинган тирикчилик эмас. Қани энди, барча хатлар юзасидан жавоб мактуби орқали мунтазам боғланиб туриш имкониятига эга бўлсак. Афсуски, йўл харажатлари ва етказиб бериш сарфларининг юқорилиги, таҳририят иқтисодий имкониятлари чекланганлиги боис, азиз газетхонлар, барча хат ва хабарларга жавоб ёза олмаяпмиз.

Лекин бу газетхонлар хатлари эътиборсиз қолаётир, дегани эмас. Асло. Ҳали ишга қўл урмай, ҳар бир мактубингиз билан бирма-бир танишиб чиқамиз. Маъқулларини саралаб, чоп этишга тайёрлаймиз. Таҳририят назарида ҳеч қандай янгилик бермайдиган, қизиқиш уйғотмайдиган, умумий мулоҳазалардан иборатларигина газета юзини кўрмайди, холос.

Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ва улар билан ишлаш тартиби эса, оддий қилиб айтганда, аввалдагидай. Биронта шикоят ёки ариза жавобсиз қолаётгани йўқ. Масала моҳиятга кўра назоратга олиниб ҳал қилиш учун мутасадди ташкилотларга юборилмоқда, ё бўлмаса хизмат сафарига чиқиб ўрганилмоқда.

Юқоридагилардан қисқача хулоса шуки, хабар ёки мақола йўллаганингизда унинг умумий, кўпчиликка аён мулоҳазалардан холи, аниқ тажрибаларга асосланган бўлишига, қандай педагогик янгилик кўтариб чиқилаётганига, жумҳурият миқёсида нечоғли қизиқиш уйғотишига эътибор беринг.

Хатларингизни кутамиз!

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

"Маърифат"нинг обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН

ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН

УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Янги турдаги ўқув муассасалари

ЖАҲОН МЕЗОНЛАРИГА БЎЙЛАШИБ

Ўзбекистон келажаги ҳозирги кунда мактабларда таълим-тарбия олаётган истеъдодли, ижодкор ва ташаббускор ёшларга боғлиқ. Шу муносабат билан республикамизда истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга таълим-тарбия бериш, шунингдек ўқув-тарбия ишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этиш юзасидан маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалар бўлимининг бошлиғи Зиёвуддин ЖАЛОЛИДДИНОВдан ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, таълим бошқармалари, ўқув-тарбия муассасалари "Таълим тўғрисида"ги Қонунни, ҳукуматимиз қарорлари, фармойишлари ва кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ қилиб, Республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича бўлаётган чуқур ислоҳотлар ва бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсата оладиган кадрларни тайёрлаш учун замин яратиш мақсадида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларга илғор технологиялар асосида билим берадиган янги турдаги таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш бўйича маълум ишлар олиб бормоқда.

Республикамиздаги лицей, гимназия, ҳунар лицейлари ва коллеж каби янги турдаги таълим муассасаларида жаҳон фани ва маданиятининг ютуқларини ёш авлодга сингдириш, билимдон ва истеъдодлиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ҳоҳиш ва истаклари, қизиқишларига кўра машғулотларни ташкил қилиш бўйича тажриба ва илмий-амалий ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Янги турдаги таълим муассасалари ва уларда таълим-тарбия олаётган талабаларнинг сони уч йил давомида ўн баравар ўсди. Бугунга келиб 84 та лицей, 56 та гимназия, 56 ҳунар лицейлари ва 2 та педагогик коллеж ташкил қилинди. Хоразм, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент шаҳри ва вилоятида боғча-мактаб комплекслари яратилди. 1993-94 ўқув йилида битта таянч, иккита асосий ва олтмишта алоҳида йўналишлар бўйича ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Ҳар йил ўтказиладиган республика миқёсидаги олимпиадаларда янги турдаги ўқув муассасаларининг ўқувчилари фаол қатнашмоқда.

Шунингдек янги турдаги таълим муассасаларини битказган ўқувчиларнинг 75-85 фоизи олий ўқув юртларига кириб таҳсил олишяпти. Масалан, республикамизнинг мустақилликка эришиши шарофати билан 1991 йили илк бор ташкил топган республика нафис санъат лицейини шу йил тамомлаган биринчи 64 қалдирғочдан 50 таси, республика ҳарбий лицейини тугатган 157 нафар битирувчининг 102 нафари, Тошкент шаҳар 300-лицейни тугатган 79 ўқувчининг 71 нафари, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги лицейни битказган 25 ўқувчининг 17 нафари, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги айрим фанларни чуқур ўргатадиган 58-мактабни битказган 25 ўқувчининг 16 таси олий ўқув юртлари талабаси бўлишди.

Шу билан бирга бугунги кунда турли йўналишдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа лицейлар тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Тошкент иқтисодий университети қошидаги иқтисодиёт лицейи, Наманган вилояти Наманган туманидаги иқтисодий ва ҳуқуқ йўналишидаги лицейлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистоннинг ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги 1992 йилдан бошлаб Улуғбек номидаги республика жамғармаси билан ҳамкорликда истеъдодли ёшлар танловини ўтказиб келмоқда. Яқинда навбатдаги танлов ўтказилди. Унда ғолиб чиққан юз ўқувчига жамғарма томонидан ўн ойга минг сўмдан стипендия белгиланди. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларга таълим-тарбия бериш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тажриба алмашиш ишлари ташкил этилган. 1993 йили 48 ўқувчи Американинг турли штатларидаги таълим муассасаларида бир йил давомида билим олишди.

Янги турдаги коллежларни ташкил қилиш мақсадида 1990-1991 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика институти ва Тошкент педагогика билим юрти ҳамкорлигида ташкил этилган тажриба майдонлари узлуксиз педагогик таълимни ташкил қилиш борасида самарали натижаларга эришмоқда.

— Лицей, гимназия ва айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактаблар ўртасидаги фарқ ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, лицей ва гимназия каби янги турдаги таълим муассасаларининг ташкил этилиши бу соҳада бўлаётган ислоҳотлар натижасидир.

Кўпчиликдан хорижий мамлакатлардаги лицей ва гимназияларнинг иш тартиби, ўқиш муддати ва фаолияти, улардан ижодий фойдаланиш тўғрисида жуда яхши таклиф ва мулоҳазалар келиб тушяпти. Биз ушбу таклифлар ва Америка, Англия, Япония, Германия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб келган республикамиз мутахассисларининг таклифларини эътиборга олган ҳолда ўзимизнинг "лицей" ва "гимназияларимиз"ни яратдик.

Масалан, "Лицей ҳақидаги Низом" ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди.

Лицей узлуксиз таълим тизимидаги бўғин бўлиб, ўқувчиларга III босқич — ўрта таълим берувчи йўналишли ҳисобланган ўқув муассасасидир. Бу муассасага таянч таълимнинг 9-синф маълумотига эга бўлган ўсмир ва қизлар қабул қилинади.

— Маълумотларга кўра айрим лицейларга 7 ёки 8-синфни битказган ўқувчилар қабул қилинаяпти. Бу Сиз айтиб ўтган талабга зид эмасми?

— Айрим ҳолларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан узлуксиз таълимни ташкил қилиш бўйича иш олиб бораётган, ўқув моддий-техника базаси, педагогик ходимлари етарли бўлган ва асосий таянч таълимга қўйилган давлат мезонлари талабида билим берадиган лицейларга тугалланмаган таянч таълимга эга иқтидорли ўқувчилар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг рухсати билан қабул қилиниши мумкин.

— Умумтаълим мактаблари қошидаги лицейлар ёки лицей синфлари деб юритилаётган атамаларга қандай қарайсиз?

— Лицей мустақил юридик муассаса бўлиб, ўзининг муҳри ва муассасага тегишли хужжатлари ҳамда барча таълим муассасалари каби раҳбарияти, педагогик кенгашига эга бўлиши керак. Мустақил фаолияти учун бошқа зарурий шароитлар ҳам яратилиши лозим. Шунинг учун умумтаълим мактаби директори раҳбарлигидаги лицей синф ёки лицей мактаб каби атамалар ушбу Низом талабларига зиддир.

— Гимназия билан лицей, лицей билан айрим фанларни чуқур ўргатадиган синф ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

— Лицей юқорида айтиб ўтганимдек, III-босқич, яъни ўрта таълимни амалга оширувчи йўналишли таълим муассасасидир. Гимназия эса 1-синфдан бошлаб танлов асосида қабул қилинган иқтидорли ўқувчиларга барча умумтаълим фанлари ва адабиёт, санъат, мусиқа ва бошқаларни чуқурлаштирилган ҳолда билим берадиган ўқув муассасасидир.

Айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактаб ёки синф, ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, фанларни қайси синфдан бошлаб ўқитилишига қараб ташкил қилинади. Булар бир-бири билан олиб бораётган ўқув-тарбия ишларини айнан ёки қисман ўхшаш ҳолда такрорлаш мумкин. Лекин биз уларга алоҳида, бир-бири билан рақобатдор, мустақил муассаса сифатида қарамоғимиз керак.

— Ҳозирги кунда "мактаб таркибидаги лицей" ёки "лицей таркибидаги бошланғич мактаб", ҳатто "боғча-лицей" деб номланаётган ўқув муассасаларига нисбатан Сизнинг бу тушунтиришларингиздан сўнг бирон-бир чеклашлар ёки тўғридан-тўғри уларни ёпиб ташлаш ҳоллари рўй бермасмикин?

— Ҳақиқатан, айрим туман халқ таълими бўлимлари ва мактаб маъмуриятлари бу мақоладан сўнг "бизнинг олиб бораётган ишларимиз нотўғри экан" деб шошма-шошарлик билан таълим соҳасида ташаббус кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларимиз ишларига тўсқинлик қилмаслиги керак. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 август 406-рақамли қарори билан тасдиқланган "Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисидаги Низом" асосида ушбу муассасаларнинг мақомини белгилаш ёки унга янги мақом бериш мақсадида уларнинг фаолиятини аттестациядан ўтказишлари керак. Ҳар бир ташкил этилаётган ўқув муассаса бошидан "Давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Низом" талаби асосида ташкил этилса, кейинги тушунмовчиликлар ва ижодкор ўқитувчилар ишларига тўсқинликлар олди олинган бўлади.

— Сиз янги турдаги таълим муассасалари ва тажриба-синов ишларини республика миқёсида бошқариш бўйича олиб борилаётган ишлар ва йўналишлар ҳақида жуда қимматли фикрларни билдирдингиз. Энди олдиндаги вазифалар ҳамда ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Асосий вазифамиз олиб борилаётган тажриба-синов ишларини "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида ташкил қилишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари янги турдаги таълим муассасалари фаолиятини бошқариш, йўналтириш ва методик таъминотини ташкил қилиш масалаларига жиддий эътибор беришлари керак.

Масалан, Тошкент шаҳридаги 41-мактабда "Халқ таълимига қўйилган талаблар асосида мактаб ишларини бошқариш ", "Ўқувчиларни ўқитувчи касбига йўналтириш ишлари", "Химия ва Ўзбекистон халқлари тарихи фанларини ўқитиш" масалалари тадқиқ қилинмоқда. Аммо педагогик жамоа олиб бораётган тадқиқотларни охирига етказмай, янги "Ўйғониш" — иқтисодга йўналтирилган ўқув комплексини яратиш устида иш бошлаб юборган. Бу тадқиқотни олиб бориш тартиби "Педагогик тажриба-синов майдонлари ҳақида"ги Низом талаблари асосида юритилмаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат университети қошида ташкил этилган иқтидорли ўқувчилар интернати фаолияти, методик таъминоти, ўқув режа ва дастурлар билан таъминлаш масалаларига Нукус шаҳар халқ таълими бўлими етарли эътибор бермай келаяпти. Интернатнинг ўқув режаси белгиланган ҳафталик мезондан 2,5 соатга кўп бўлишига қарамай, айрим мажбурий фанлар, масалан, чақириққача ёшларни тайёрлаш фани бутунлай режадан чиқариб ташланган. Бу ҳол, биринчидан, ҳафталик машғулотлар сонини ошириш ҳисобига ўқувчи соғлигининг ёмонлашишига олиб келса, иккинчидан "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг "Чақиришга қадар тайёргарлик ишлари" моддасида акс эттирилган талабларга зиддир.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Мирзо Улуғбек туманида ташкил қилинган тажрибавий меҳнат таълими ва касбга йўллаш мактабларароўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги тадқиқот ишларини тўлиқ таҳлил қ лмасдан туриб, уни 1992 йил август ойида технологик коллежга айлантириш ҳақида буйруқ қабул қилган.

Коллеждаги таълим-тарбия жараёни ўрганилганда "Ўзбекистон халқлари тарихи", "Умумий тарих", "Давлат ҳуқуқи асослари", "Инсон ва жамият", "Одобнома", "География" фанлари ва "Дин тарихи" курси бутунлай ўтилмаётганлиги маълум бўлди.

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ушбу камчиликлар асосида тузилган ҳамда ўқувчига ҳафталик дарс соатлари белгиланган мезондан бир неча баробар ортиқ бўлган ўқув режани тасдиқлаб берган.

Умуман олганда, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ушбу муассасани "коллеж" деб номланишига жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

— Янги турдаги таълим муассасаларини дарслик билан таъминлаш масалалари қандай ташкил қилинаяпти?

— Ҳозирги кунда дарсликлар умумтаълим муассасалари учун нашр этиляпти. Янги турдаги ўқув муассасалари ҳам умумий таълим мезонида бўлгани учун уларга алоҳида дарслик тайёрланмайди. Ҳар бир муассаса чуқур ўрганилаётган фан дарслигига киритилмаган мавзуларни муассаса кенгаши қарори билан тўлдириши мумкин.

— Кейинги вақтларда лицей ёки гимназияда дарс берадиган ўқитувчилар йўқ, уларни олий ўқув юртларида тайёрлаш бўйича қўшимча факультетлар очиш керак, деган таклифлар келиб тушяпти. Сиз бу таклифга қандай қарайсиз?

— Янги турдаги таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчиларнинг маошлари умумий мактаблар ўқитувчиларига нисбатан маълум миқдорда кўп. Шунинг учун муассаса раҳбари педагогик ходимлар билан битим бўйича иш юритиш тартибига асосан чуқур ўргатиладиган фан талабларига биноан ижодкор ва ташаббускор, тажрибали ўқитувчиларни танлаб олиш имконияти бор бўлгани учун бу таклифга ҳозирча эрта деб ўйлайман.

— Келгусидаги режаларингиз?

— Асосий йўналишлар белгилаб олинди, энди кўпроқ таълим мазмунига ҳамда олий ўқув юртлари билан лицейларни битказган ўқувчилар учун алоҳида гуруҳлар ташкил қилиш масалалари, қурилиш-лойиҳалаш институтлари билан ҳамкорликда лицей ва гимназиялар биноларининг лойиҳасини яратиш, чуқур ўрганилаётган фанни оддий мактаблардаги фанга нисбатан ўзига хос томонларини аниқлаб, педагогика ва тиббиёт илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда жаҳон таълим мезонлари талабидаги янги дастурлар яратишдир.

Суҳбатдош Алижон ТУРСУНМАТОВ.

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 173-мактаб 1-"А" синф ўқувчилари синов-тажриба сифатида тезлаштирилган дастур бўйича ўқишмоқда. Математика ва инглиз тили фанлари чуқур ўрганиладиган бу синфдаги болалар ўзлаштириши юқори баҳоланмоқда.

Суратда: синф раҳбари Гулчеҳра Зияева навбатдаги машғулотни олиб бормоқда.

А. Ялолов олган сурат.

Устоди аввал

ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МЕЪМОРИ

Бошланғич синф ўқитувчиларини биринчи ўқитувчи, деб эъзозлаймиз, ардоқлаймиз. Уларнинг сабоғини, тарбиясини олмаган ким бор? Ойнаи жаҳонда намойиш қилинаётган ҳинд кинофильми "Маҳобҳорат"ни томоша қилояпсими? Шоҳлар ҳам ўқитувчи, устоз қаршисида оёқда туриб ундан маслаҳат кутади. Асар қаҳрамонларидан бири "Устоз ҳақи тўлиқ қайтарилмас экан, билим ҳам тугал бўлмайди"— деб ҳеч иккиланмасдан бош бармоғини кесиб ташлайди.

Тўғрисини айтганда, бошланғич синфларда ўқитувчи бўлиб ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Улар заҳматини наққош, дурадгор, ҳайкалтарош, меъмор, қурувчи, кулол ва боғбон машаққатига қиёс қилса бўлади. Наққошу дурадгор оддий ёғочдан, кулол лойдан, ҳайкалтарош ганч ва мармардан ажойиб санъат намуналари яратгани каби, ўқитувчи ҳам мурғак вуждуддан ҳақиқий мўъжиза яратади. Жажжи болакайлар, қизалоқлар бир неча ой ичида равон ўқий оладиган, ёза оладиган бўлишади, ҳисобнинг тўрт амалини анча дуруст билиб олишади. Одоб-ахлоқ, юриш-туриш, муомала маданиятини айтмайсизми? Бу қайси мўъжизадан кам?

Меъмор ва қурувчи бино қурар экан, пойдеворга асосий эътибор қаратади. Худди шундай бошланғич синф ўқитувчиси ҳам ўқувчи маънавий олами пойдеворига илк ғиштни қўяди, камолга етказади. Дарвоқе, ана шу пойдеворга нафақат ўқувчининг, балки мустақил давлатимизнинг келажаги жуда-жуда боғлиқдир. Ахир улуғ инсонлар, буюк зотлар, давлат ва жамият арбоблари, санъаткорлару ижодкорлар, олимлару қаҳрамонлар улар меҳнати маҳсули, меваси эмасми? Шуни инобатга олсак, уларнинг ўз ўқувчисида, шогирдида ҳақи беқиёс. Бу ҳақ ҳеч қандай мол-дунё, пул билан ўлчанмайди. Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги сўзига эътибор беринг-а: "...агар шогирд улғайгач, подшолик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади".

Бошланғич синф ўқитувчилари меҳри дарё, бағри кенг, сабр-тоқатли, касбларига ўта садоқатли бўлишади. Бутун қалб қўрини, борлиғини ўқувчиларига бахшида этишади. Бу жиҳатдан уларга бошқа фан ўқитувчилари тенглаша олмайди. Кузатганман. Ўқувчиларнинг шўхликларига, инжиқликларига, ўйинқароқликларига, аразларига, ҳамма-ҳаммасига улар чидайди, бардош беради. Беихтиёр сабр-тоқатингга, маҳоратингга "балли" дейсан, тасаннолар айтасан. Шу боис ҳам уларга бўлган ҳурматим, ихлосим ўта баланд.

Мактаб остонасига дастлабки қадамни қўйганингизда қўлингиздан ушлаб ёп-ёруғ синфхонага бошлаб кирган, сеҳрли, сирли дунё тилсимотларини очишда жажжи қўлингизга биринчи калит — қаламни тутқазган, биринчи чизиқни тортишдан бошлаб, фан, олам сирларини чуқурроқ эгаллаш сари бирма-бир етаклаган ҳам у. Сабоқларни бурро-бурро сўзлаб берганингизда қалби қувончга тўлган ҳам биринчи ўқитувчидир. Шоир сўзларига:

Нега шеър ёзмайин ёниб,
Нега таъзим этмай Сизга бу маҳал.
Нега хизматингиз қилмай қувониб,
Эй, азиз муаллим, устози аввал.

Ота-она болага жисм беради, уни ёруғ дунёга келтиради. Меҳри офтоб, қалби қуёш, сўзи ширин болажон ўқитувчилар эса уларга илм хазинасини очиб беришади. Миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни, анъаналаримизни, тарихимизни ўргатади, сабоқ беради. Уларнинг мурғак, беғубор қалбига яхшилик, меҳрибонлик, одамийлик уруғларини қадайди. Бекорга машҳур форс шоири Биноий:

Устод падардан илғор,
Ундан ортиқ ҳақи бор.
Падар ҳаёт беради,
Устод нажот беради,— демайди-да.

Самарқандлик шоира Х. Бобомуродова эса ўғлига насиҳат қилади:

Сенинг инсонлигинг, борлигинг учун
Муаллимдан менинг жуда кўп қарзим.
Пайти келиб бошинг кўкка етган кун,
Иккимиз учун ҳам қил унга таъзим.

Қани энди, барча ота-оналар ҳам ўз фарзандларига шундай десалар. Афсуски, "Ўқитса маошини олади-да" дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Иш фаолиятим давомида бошланғич ва юқори синф ўқувчиларининг билимини, одоб-ахлоқини таққослаганман. Шунга амин бўлдимки, бошланғич синфларда ўқувчилар асосан "4" ва "5" баҳода ўқишади. Жуда одобли бўлишади. Ёнингиздан саломсиз ўтишмайди. Уларда жониворларга, она-табиатга меҳр-муҳаббат кучли. Бу, албатта, ўқитувчи меҳнати мевасидир.

Бошланғич синф ўқитувчилари серқирра зиёкор, ноёб қобилият эгасидир. Улар айни вақтда тилчи, адабиётчи, тарихчи, риёзиётчи, табиатшунос, шунингдек, меҳнат, мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия каби фанлардан ҳам етук мутахассисдир. Афсуски, кейинги йилларда битта муаллим ўқитиши мумкин бўлган синфда ўқитувчилар сони 5-6 тага етди. Баъзи мактаб раҳбарлари улардан меҳнат, мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия каби фанларни олиб бир ишсизни иш билан таъминламоқчи бўлишади. Натижада ҳар иккисининг нони яримта бўлиб қолади. Энг ёмони асосий ўқитувчи иш фаолиятида лоқайдлик, бўшанглик, ишдан совиш, масъулиятсизлик сезилади. Бундан ким манфаат кўрди? Болаларми, ўқитувчими ёки маъмуриятми? Чунки моддий манфаатдорлик ҳамма соҳада бўлгани каби ўқув-тарбия ишида ҳам асосий мезондир. Буни унутиб бўлмайди. Бошланғич синфнинг увол-савоби бир ўқитувчи зиммасида бўлса, дарс соатлари олиб қўйилмаса, у берилиб, виждонан ишлайди.

Фикрларимга сўнгги нуқта қўяр эканман, мактабимизда ишлаётган ўз касбининг фидойилари номларини тилга олишни лозим тондим. Улар Р. Ҳасанова, Ш. Жунайдуллаева, З. Норжигитова, Ф. Абатова. Булар бошланғич синфнинг моҳир, маҳоратли усталаридир. Жамоада, маҳаллаларда катта обрў-иззат топганлардан. Шубҳасиз, янги инсонни камолга етказишда бу каби бошланғич синф ўқитувчиларининг хизмати беназирдир. Уларга қарата шоир А. Орипов сўзи билан айтганда,

Ростин айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо,— дегим келади.

Шамидулло ОТАҚУЛОВ.
Пайариқ тумани.

"Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови

СУРХОНДАРЁДАН МАҲЗУНА

Яқинда Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси "Ўқитувчи-94" кўрик-танловини ўтказди. Унда шаҳар ва туман кўрик-танловларида ғолиб чиққан 17 нафар ўқитувчи қатнашди.

Кўрик шартларини баҳолашда танлов иштирокчиларининг ижодкорлиги, дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини нечоғли ошира олишлари-ю, ўтилаётган мавзуларни мазмунан бойита олишлари асосий эътиборда бўлди.

Қизиқарли ўтган бу беллашувда биринчи ўринни термизлик кимё фани ўқитувчиси Маҳзуна Сафарова, иккинчи ўринни ангорлик Музаффар Чориев, учинчи ўринни эса узунлик Рухсатой Эшназарова ҳамда жарқўрғонлик Зулайҳо Саманова эгаллади.

Ғолиблар вилоят халқ таълими бошқармасининг махсус дипломи ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Мухбиримиз.

ҚАШҚАДАРЁДАН СОФИЯ

Шунингдек, Қашқадарёда ҳам "Ўқитувчи — 94" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қизиқарли тадбирда шаҳар ва туман кўрик-танловларида ғолиб бўлган 19 нафар муаллим ўзаро беллашишди. Иштирокчилар дарс ўтиш борасидаги иқтидорлари ва эркин мавзудаги ижодкорликларини саҳна кўринишида намойиш этдилар.

Бу танлов вилоят халқ таълими бошқармаси ҳомийлигида ўтказилди. Тадбир сўнгида ҳакамлар ҳайъати аъзолари ғолибликни қўлга киритган Ғузор туманидаги 1-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси София Курбоновани қизғин табриклаб, унга "Мироқи" санаторийсида дам олиш учун бепул йўлланма ҳамда пул мукофотини тақдим этишди. Иккинчи ўрин касбилик Олима Арабовага, учинчи ўрин эса китоблик Шаҳзода Шокировага насиб этди. Улар хизматларига яраша мукофотландилар.

Т. АБДУМАЛИКОВА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН ҲУСНИДДИН

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танловида ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида таълим берадиган муаллимлардан 23 нафари дарс ўтиш услуби, таълим ва санъат соҳасидагиа иқтидорларини намойиш этдилар. Бу синовда мўйноқлик Ҳусниддин Бекназаров яловбардор бўлди.

Ўқинг, ўрганинг, татбиқ қилинг!

Мустақил мамлакатимизнинг аста-секинлик билан бозор муносабатларига ўтиши даврида халқ таълими тизимининг бошқа бўғинларида ҳам ислоҳотни амалга ошириш талаб этилмоқда. 1992 йилдан Фарғона вилоятида мактабдан ташқари муассасаларнинг ягона услубий маркази ташкил этилди. Бу ҳозирга қадар республикадаги ягона ташкилот бўлиб қолаяпти. Мана, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, марказ ўзини оқлаяптими? Унинг олдида қандай муаммолар бор? Мухбиримиз шу каби саволлар билан марказ раҳбари Муҳаммаджон Хўжаевга мурожаат қилди.

ЯНГИЛИК ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

— Муҳаммаджон ака, аввало марказнинг афзаллик томонлари ҳақида гаплашиб олсак...

— Бизнинг мактабдан ташқари муассасалар (МТМ) тизимимиз деймизми, тармоғимизми, хуллас, узоқ йиллар давомида бошбошдоқликни, тўғрироғи — тарқоқликни бошидан кечириб келди. Илгарилари пионерлар уйи, ёш техниклар, ёш табиатшунослар станциялари, болалар туристик базаси каби қатор муассасаларимиз, уларнинг алоҳида бошқарув аппаратлари бўларди. Бу масканларнинг мақсад ва вазифалари, низоми ҳам бир эди-ю, лекин бошқа-бошқа биноларда иш юритарди. Ҳужжатлар, қоғозлар кўп бўлиб, самара кўнгилдагидек эмасди. Ўқитувчилар ҳам тўртта идора орасида қатнардилар.

Хуллас, вилоят ҳокимининг фармойиши ва Халқ таълими вазирлигининг рухсати билан тарқоқ ҳолдаги тармоқлар бирлаштирилди. Буни барча хурсандчилик билан кутиб олди. Мана энди, афзаллик томонларига тўхталиб ўтайлик. Эътибор беринг: бюджет маблағи, [illegible] исрофгарчилигига чек қўйилди. Чунки аввалги ҳар бир идора, [illegible]ардан, жами 150 га яқин ходим бўларди. Ҳозир уларнинг ишини ат[illegible] киши бажаряпти. Айниқса, бошқариш кучайтирилди. Илгари бизнинг муассасаларга вилоят бўйича 33 минг ўқувчи қатнаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 40 мингдан ошди. Бу — болаларда тўгаракларга нисбатан қизиқишнинг ортганини кўрсатади.

— Зиммангизга қандай вазифалар юклатилган?

— Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини тўғри ташкил этишга кўмаклашиш, уларнинг қизиқиш ва истакларини ҳисобга олган ҳолда ижодкорлигини ошириш, касб танлашлари ва ҳунар ўрганишларига шароит яратиб бериш каби муҳим тарбиявий ишлар марказимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу мақсадда баҳоли қудрат иш юритаяпмиз.

Марказимиз шундай қилиб ягона маслаҳатлашув, режалаштириш ва бошқарув органига айланиб қолди. Вилоятдаги барча МТМлар энди марказимиз билан бамаслаҳат тадбирлар режасини тузаяпти ва ўтказаяпти. Яхши муассаса, методистлар, тўгарак раҳбарларининг иш услубини ўрганиб, турли кенгашлар орқали оммалаштириб бораяпмиз.

— Амалга оширилаётган оммавий ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ катта тадбирларни уюштирдик. Масалан, ўқув йили бошида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб адабий кечалар, кўрик-танловлар уюштирган эдик. Бу тадбир вилоят бўйича бутун ўқув йили мобайнида олиб борилади.

Ҳозир ҳар бир туманда 10-12 тадан қўшимча гуруҳлар очилиб, улар сони 250 тага етди. Қўшимча уч мингдан ортиқ ўқувчи-ёшларни турли тўгаракларга жалб этдик. Уларга кўпроқ миллий ҳунурмандчилик сирларини ўргатишга эътибор қаратиляпти. Косибчилик, ўймакорлик, зардўзлик, тикувчилик билан бирга сантехниклик, электротехниклик каби зарур ҳунарлар ҳам ўргатиляпти.

Бир неча аниқ мисолл рни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Олтиариқ туманида 1-болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйининг маъмурияти ташаббуси билан Усмонобод кўчасидаги 5-уйда яшовчи Муяссархон Эгамбердиева ўз хонадонида 21 нафар ўқувчи-ёшларга дўппидўзлик касби бўйича сабоқ бермоқда. Охунбобоев тумани Шаҳартепа қишлоғидаги 21-мактабда Д. Ҳусанчаев раҳбарлигида наққошлик тўгараги очилиб, болаларга шу касб сирлари ўргатилмоқда. Бувайда туманидаги 24-мактабда А. Жўраев раҳбарлигида миллий косибчилик тўгараги самарали фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, Ёзёвон туманидаги ижодкор ёшлар ва ўсмирлар марказига қарашли шолча тўқиш, дутор ва танбур ясаш, зардўзлик, этик ва маҳсидўзлик, миллий дўппи тикиш тўгараклари ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

— Муаммолар борми? Келажакда қандай ишларни амалга оширишни режалаштиряпсизлар?

— Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Айниқса, кадрлар масаласи, моддий-илмий базани яратишда анчагина муаммолар бор. Янги иш услубларини ишлаб чиқиш, ўқувчи-ёшлардаги қизиқувчанликни касб танлашга йўналтириш керак. Шунингдек уларда ватанпарварлик, ўз юрти ва давлати билан фахрланиш юртимиз истиқболи учун фидойилик туйғуларини тарбиялаш диққат-марказимиздан ўрин олган.

Марказ келажакда лаборатория услубида ишлаб, фақат ўқувчи-ёшларни МТМга тортиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, янгидан-янги ҳунар ва касбларга йўналтириш, ишлаб чиқаришга йўллаш, маълум йўналишда тарбия бериш каби ишларни янада ривожлантириш билангина шуғулланиб қолмай, балки у тарбиядаги мураккаб жараёнларни ўрганиш ва оммалаштириш юзасидан услубий кўрсатмалар, илмий-амалий йўналишлар бериш билан ҳам шуғулланади.

Суҳбатдош Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Маорифимиз фидойилари

МУАЛЛИМЛИК — ИНОЯТ

Муаллим. Бу сўзни теран англамоқ учун унинг сирли ва соҳир, ғаройиб ҳамда пасту баланд сўқмоқлари бўйлаб жилла қурса бир қадам босмоқ керак. Ва шунда бу довоннинг шавқу изтироби, оғиру енгилини юракдан ҳис этиб, беихтиёр "Ҳа, муаллимлик яратганнинг иноятн экан", дейсиз. Дарҳақиқат, қадим-қадимдан бу касб эгалари энг фидойи, эл манфаатини ўз манфаатидан юқори қўювчи зотлар бўлишган. Бугунги кунда ҳам муаллимликни қисмат деб билувчи инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай мураббийлардан бири Нарзулла Равшановдир. У қарийб 40 йилдан бери ўқитувчиликнинг салмоқли юкига елка тутиб, юзлаб ёшларни катта ҳаёт сари кузатди.

Нарзулла Равшанов урушдан кейинги оғир йилларда Самарқанд давлат дорилфунунининг жуғрофия факультетида ўқиди. Ўз фаолиятини Зомин туманидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Сўнг туман халқ таълими бўлимининг нозири бўлиб ишлади. У ташкилотчилик борасида етарли тажриба ва малакага эга бўлгач, аввал 11-ҳунар-техника билим юртига, сўнг эса 60-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Нарзулла Равшанов раҳбарлик қилган йилларда ҳар икки ўқув даргоҳи нафақат Зомин туманида, балки Жиззах вилоятида ҳам ибратли билим масканларига айланди. Чунончи, 60-ўрта мактаб янада кенгайтирилиб, қўшимча бинолар қурилди. Таълим бериш билан бирга амалий машғулотлар учун қулай шарт-шароит яратилди.

Бугунги кунда у ўзи туғилиб ўсган Боғишамол қишлоғидаги 31-ўрта мактаб директори. Сўнгги йилларда мактаб атрофида кўркам ва катта боғ барпо этилди. Янги мактаб биноси лойиҳалаштирилиб, замонавий мактаб қуриш режалаштирилаётир.

Мактабда таълим-тарбия мазмунини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш борасида ҳам ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, асосий эътибор тарбия орқали таълим беришга қаратилаётир.

— Энг муҳими, ўқувчи мактаб партасидаёқ шахс сифатида шаклланиши лозим, — дейди Нарзулла Равшанов. — Шундагина у орттирган билим яхши ишлар, эзгу мақсадлар учун хизмат қилади. Зотан, мустақил давлатимизнинг эртанги куни ҳам ёшларнинг инсон сифатида камол топишларига боғлиқ.

З. ВАЛИЕВ.

"Маърифат" хабарлари

ТИНГЛОВЧИЛАР МИННАТДОР

Ёшларни касбга йўналтириш, ҳунар сирларини ўргатишда ҳунар-техника билим юртларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бинобарин, эски услублардан воз кечиб, ишни янгича асосларда ташкил этиш, миллий ҳунармандчиликни ўрганишни кенг йўлга қўйиш, илмий-услубий тавсиялар бериш борасида республика Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтининг ҳунар-техника таълими бўлими олиб бораётган бир қатор тадбирий ишлари эътиборга лойиқдир.

Мазкур илм масканида республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган ҳунар-техника таълими усталари, мураббийлар ва мутахассислар бир ойлик малака ошириш курсини якунладилар. Ўқув жараёнида ҳунар-техника таълимидаги янгиликлар, миллий ҳунармандчиликнинг энг сўнгги технологиялари, янгича иш услублари билан яқиндан танишдилар, пойтахтимиздаги бир қанча ҳунар-техника ўқув юртларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

М. ҚАМБАРОВА,
Наманган вилоятидаги 38-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

МУШКУЛИ ЕНГИЛЛАШДИ

Мактаб ўқувчилари учун махсус кийим топиш ота-оналарга анча ташвиш туғдириши табиий, албатта.

Қизилтепа шаҳрида жойлашган "Нафиса" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси бу мушкулни анча енгиллаштирди. Эндиликда фирма чеварлари 1—6-синф ўқувчиларига мўлжалланган чиройли ва арзон мактаб кийимлари тикиб чиқармоқдалар.

Қувончли томони шундаки, тикувчилик цехи фирма биноси дўконида жойлашган. Шу туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли барчаси шу ернинг ўзидан аҳолига сотиляпти.

Баҳодир ЭГАМОВ.

ТАБИАТ БОЙЛИГИМИЗ...

"Ёш табиатшунос" тўгараги раҳбари Райҳон Умматова ўқувчиларни табиатни севишга, уни ардоқлашга ўргатаётир. У яқинда "Табиат бойлигимиз, уни севинг, ардоқланг!" мавзусида қизиқарли тадбир ўтказди. Тўгарак аъзоси, 6-"Б" синф ўқувчиси Моҳирахон Умарова ўз маърузасида табиатни асраш ҳақида сўз юритди. Кеча барчада катта таассурот қолдирди.

"ЯШИЛ АРХИТЕКТОРЛАР" ҒОЛИБ БЎЛДИЛАР

Ижодиёт марказининг "Яшил архитекторлар" тўгарагига таниқли мусаввир Мадаминжон Ғойматов раҳбарлик қилади. У яқинда ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, асфальтга расм чизиш бўйича беллашув ўтказди. Тўгарак аъзолари "Ўзбекистон харитаси" ва "Қуёш" расмини чизишди. Биринчи гуруҳ ўқувчиларидан Д. Рустамова, А. Ҳасанов, Д. Йўлдошева, Г. Мирҳайдарова, иккинчи гуруҳ ўқувчиларидан Ф. Абдуваҳобова, М. Асқарова, М. Абдуллаева, Д. Ҳасановлар чизган расмлар ҳакам аъзолари томонидан яхши баҳоланди. "Яшил архитектор" командаси аъзолари ғолиб бўлди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.
Марҳамат тумани.

Олий таълим: янгилаш даври — янгиланиш даври

ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Ижодкор, билимдон, маҳоратли, ўз ишининг фидойиси бўлган адабиёт муаллимларини тайёрлаш мураккаб, аммо шарафли иш! Бундай масъулиятли вазифа республикамиз олий ўқув юртлари, биринчи галда, педагогика институтлари филология факультетлари зиммасига юклатилган. Модомики, шундай экан, биз педагогика институтлари профессор-ўқитувчилари мазкур вазифани ўташ йўлида қандай ишлар қилмоқдамиз? Бўлажак адабиёт муаллимлари — ҳозирги талабаларга адабиётшунослик илмларини қандай ўргатаётирмиз? Таълим ва тарбия узвийлигига ҳамиша бирдек эриша олаётирмизми? Адабиёт ҳодисаларига янгича — чинакам илмий қараш руҳини шогирдларимизга сингдира олаётирмизми? Талабаларимиз узоқ асрлик ва ғоятда бой ўзбек адабиёти тарихи ва назариясини пухта ўзлаштираётирларми? Ўз фани ва касбкорининг фидойиси — ижодкор адабиёт муаллимлари етиштиришда қандай қийинчиликлар тугилмоқда ёхуд ҳал қилинмаган қандай муаммолар бор?.. Умуман, педагогика институтлари филология факультетларида аҳвол қандай?

Даставвал, ўқув режалари ҳақида бир-икки оғиз сўз. Ўқув режаси — ўқитув жараёнидаги илк давлат ҳужжати. У ниҳоятда пухта бўлиши лозим.

Маълумки, кейинги йилларда истиқлол шарофати ила ҳар бир олий ўқув юрти, ҳатто унинг факультетлари ўқув режасини ўзи тузиб, юқори ташкилотлардан тасдиқлатиб олишаётир.

Бу усул тажрибада ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари билан намоён бўлаётир. Биз хизмат қилаётган институт факультети ҳар йили 4—5 та ўқув режасига амал қилади. Бу эса ўқув жараёнини ташкил қилишни осонлаштирмайди, балки мураккаблаштиради. Тўғри, жамоамиз ҳар ўқув йилида ўқув режалари устида қайта-қайта ишлайди. Буни баъзан шароитнинг ўзи ҳам тақозо қилади. Кейинги 2-3 йил ичида ўқув режасига "Ҳозирги адабий жараён" (30 соат аудитория машғулоти, 10 соат мустақил иш ва синов) ва "Ўзбек классик шеърияти поэтикаси" (40 соатлик машғулот) ўқув предметларини ажратдик. Бу — ижобий ҳодиса. Эндиликда "Ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослиги бўлимида "Адабиётшуносликка кириш", "Ўзбек халқ оғзаки ижоди", "Ўзбек болалар адабиёти", "Ҳозирги адабий жараён", "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи", "Ҳозирги ўзбек адабиёти тарихи", "Адабий танқид", "Адабиёт назарияси", "Ифодали ўқиш", "Адабиёт бўйича махсус курс ва семинар", "Адабиёт ўқитиш методикаси" фанлари ўқитиладиган бўлдики, булар, албатта, ижодкор адабиёт муаллими тайёрлаш вазифасига хизмат қилмоқда.

Ўқув режасига зарурий фанларни киритишнинг ўзигина етарли бўлмайди, бу фанлар учун зарурий соатлар ҳам ажратиш лозим. Бу масалада ўқув режаларимиз такомиллаштиришга муҳтож. Масалан, I курсда ўтиладиган "Адабиётшуносликка кириш" фанига атиги 60 соат (маъруза, амалий машғулот, мустақил иш учун) вақт ажратилганки, бу етарли эмас. Кези келганда шуни таъкидламоқчимизки, бу ўқув фанини "Адабиётшуносликка кириш" деб аташ ўринли эмасдай. "Адабиёт назарияси" олий ўқув юртларининг биринчи ва битирувчи курсларида ўрганилади. Биринчи курсда ўрганиладиган адабий-назарий фан шартли равишда "Адабиётшуносликка кириш" ва битирувчи курсда ўтиладиган адабий-назарий фан "Адабиёт назарияси" деб юритиладиган бўлган. Лекин машҳур адабиёт назариётчиси Л. И. Тимофеев ва унинг ҳамфикрлари ҳақли равишда биринчи курсдаги адабий-назарий фанни "Адабиёт назарияси асослари" деб атаганларки, биз ҳам шу қарашни қўллаб-қувватлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Негаки, талабалар биринчи курсдаёқ адабиёт назарияси асосларини ўрганишлари зарур. Ана шундагина юқори курслардаги адабиётшунослик фанларини ўзлаштириш учун замин яратилади. Ўқув режасини тузувчилар масаланинг ана шу жиҳатига эътибор беришлари керак. Ажабланадиган томони шундаки, факультетимизнинг "Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослиги бўлимида мазкур ўқув фанига атиги 50 соат берилган. Ўйлаб кўринг-а, шу 50 соатдан 10 соати амалий машғулотга, 10 соати мустақил ишга ажратилса, қолган 30 соатда адабиёт назариясининг асосий тушунчаларини ўтиб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳатто, педагогика институтлари тўрт йиллик таълимдалик даврларида ҳам "Адабиёт назарияси асослари" фанига 72 соат аудитория машғулоти бериларди. Ҳозир педагогика институтлари ҳам беш йиллик таълимга ўтган. Бунинг устига ижтимоий фанларга берилган соатлар ихчамлаштирилган, айримлари олиб ташланган, мутахассислик фанларига эътибор ҳам, шароит ҳам, талаб ҳам оширилган бир пайтда шундай ҳолнинг юз бериши ўйлантириб қўяди. "Ўзбек болалар адабиёти" ва "Ўзбек халқ оғзаки ижоди", "Адабиёт назарияси" (умумлаштирувчи ва якунловчи курс) ўқув фанлари ҳақида ҳам шундай мулоҳазаларни айтиш мумкин. Шунингдек, "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи" ва "Ҳозирги ўзбек адабиёти тарихи" каби тарихий-адабий фанларга берилаётган соатлар ҳам оз. Ваҳоланки, мазкур предметда илгари ўтиладиган материаллардан ташқари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адибларнинг ҳаёт ва ижодлари, "Миллий уйғониш даври адабиёти", "Қайта қуриш ва адабиёт", "Миллий истиқлол ва ҳозирги кун адабиёти" обзор мавзулари ҳам ўтиладиган бўлган. Табиий равишда мазкур адабий ҳодисаларни ўтганиш учун зарур соатлар ажратилмоги лозим.

Адабиёт бўйича махсус курс ва семинарлар учун ҳам йигирма тўрт соатдан берилган вақтнинг камлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Махсус курслар, хусусан, махсус семинарлар бўйича кўплаб ўқув қўлланмалари яратиш (уларни ўз вақтида нашр қилиш) вақти келмадимикин!?

"Ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослигининг сиртқи бўлимида яна бошқача бир ҳолга дуч келамиз: бешинчи курсда ўзбек мумтоз адабиёти ва ҳозирги замон ўзбек адабиёти бўйича 14 соат махсус курс ва 14 соат махсус семинар ўтилади. Бизнингча, 3-курсда ўзбек мумтоз адабиётидан махсус курс ва махсус семинар (тўлиқ) ўтилса, 5-курсда ҳозирги ўзбек адабиётидан ҳам махсус курс, ҳам махсус семинар (тўлиқ) ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, сиртқи бўлимнинг янги ўқув режасида "Ҳозирги адабий жараён"нинг 2-курсдан 3-курсга, "Ўзбек болалар адабиётининг 1-курсдан 5-курсга кўчирилиши ўринлимикан?

Таълимнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида курс ишларини ёздириш тартиби ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Негаки, ҳозиргача курснинг биринчи ярми ўзбек классик адабиётидан курс иши ёзса, иккинчи ярми эса ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихидан курс иши тайёрламоқда. Демоқчимизки, кундузги ва сиртқи таълимнинг 3-курсларида ўзбек мумтоз адабиётидан махсус курс, махсус семинар ва курс ишлари ёздирилса (тўлиқ ҳолда), 5-курсда ҳозирги замон ўзбек адабиётидан махсус курс, махсус семинар ва курс иши ёздириш (тўлиқ) қатъий режалаштириб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир гап. Дорилфунунларда ҳар бир талаба диплом иши ёзади. Аммо педагогика институтларида диплом ишлари ёздиришни сунъий равишда чеклаш ҳоллари юз бермоқда. Бизнингча, дастлабки курсларда олган баҳолари қандай бўлишидан қатъи назар, илмий ишга уқуви ва интилиши сезилган ҳар бир талаба диплом иши ёзгани маъқул. Негаки, талабанинг диплом иши ёзиши (оғзаки имтиҳонга нисбатан) унинг ижодкор адабиёт муаллими бўлиб етишувига кўпроқ кўмак бериши шубҳасиздир.

Ўзбек филологияси факультетларининг ўқув режаларига "Адабий ўлкашунослик" ўқув ҳажмини киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимизда бу фан учун манба ниҳоятда кўп. Талабаларимиз республикамиз ҳудудидаги адабиёт музейлари, ёзувчи-шоирларнинг уй-музейлари ва ўлкани ўрганиш музейларида тўпланган адабий материалларни синчиклаб ўрганишлари, улардан ўз ишларида фойдалана олишлари ниҳоятда зарур.

Биз юқорида ўзбек филологияси факультетлари (кундузги ва сиртқи бўлимлари)нинг амалдаги ўқув режалари ҳақидаги баъзи фикр-мулоҳазаларни баён қилиш билан чекландик, холос. Рус филологияси, мактабгача тарбия, бошланғич таълим, дефектология, тарих факультетларининг амалдаги ўқув режаларида ҳам ўзбек адабиётини ўқитишга етарли ўрин берилган, деб бўлмайди. Миллий қадриятларга, маънавий бойликларга эътибор оширилаётган бир пайтда ўзбек адабиёти тарихини ўрганишга эътибор ҳар қачонгидан ҳам оширилиши, етарли шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим эмасми, ахир?!

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан аёнки, олий адабий таълим ўқув режалари бўйича мутасадди ташкилотларда махсус комиссия тузилиши ва барча педагогика институтларига бир хилда татбиқ этилиши лозимга ўхшайди. Истак шулки, педагогика институтлари филология факультетларининг ўқув режалари дорилфунунлар филология факультетларининг ўқув режаларига яқинлаштирилса, дуруст бўларди. Чунки, педагогика институтлари ва дорилфунунларнинг филология факультетлари амалда бир хил вазифа, яъни умумтаълим мактаблари учун ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари тайёрлаш билан шуғулланишади.

Шунингдек, профессор-муаллимларнинг ўқув юкламалари миқдори ҳақида ҳам яна бир ўйлаб кўри са. Негаки, муаллим ҳам илмий-тадқиқот, ҳам илмий-методик, ҳам тарбиявий-ташкилий ишларни олиб бориши, ҳам 750 соат ўқув юкламасини бажариши керак. Бу оғир эмасми?! Бу ҳолат муаллимнинг ўз малакасини тинимсиз ошириб боришга имкон берармикан?

Шу ўринда яна бир мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз.

Ўқув дастурлари — давлат ҳужжати. Демоқчисизки, олий адабий таълим тизимида улар муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун дастурларнинг пухталигига, фан янгиликларини ўз вақтида ифодалашига алоҳида эътибор бериш қерак. Адабиёт дастурлари ҳар икки-уч йилда бир марта (мунтазам равишда) нашр қилиниб турилиши зарур. Акс ҳолда, бу ҳам таълимга озми-кўпми салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, С. Алиев, А. Қулжонов, С. Иброҳимовалар томонидан педагогика институтлари учун тузилган "Ўзбек совет адабиёти тарихи" дастури 1988 йилда чоп қилинган. Ҳозир эса бу дастур бўйича педагогика институтларида дарс ўтиш мумкин эмас. Сабаби — сўнггги йилларда адабий қарашларимизда кескин ўзгаришлар юз берди. Шунга кўра умумтаълим мактабларида ҳам 1991 йилдан бошлаб адабиёт ўқитишда бутунлай янги дастурга ўтилди. Бинобарин, педагогика институтлари ҳам бу янгиликдан ортда қолмаган, албатта. Лекин, афсуски, педагогика институтларининг ўқув дастури ҳамон нашр қилинмаган.

Бошқа бир мисол: "Адабиётшуносликка кириш" дастури (профессор Н. Шукуров, доцент Н. Ҳотамовлар педагогика институтлари учун тузган) 1984 йилда нашр бўлган. Ҳозирги пайтда мазкур дастурга амал қилиш мумкинми? Умуман, демоқчимизки, адабиётшунослик фанлари бўйича тузилган дастурлар жуда тез эскириб қолаётир. Буларни ўз вақтида ижодий ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқилган дастурларни ўзлаштириш лозим. Бундан ташқари, "Адабиёт назарияси", "Ҳозирги адабий жараён", "Ўзбек классик шеърияти поэтикаси", "Адабий танқид", "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи", "Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи", "Адабиёт назарияси" дарсликлари ҳам янгидан жиддий ишланмоқда. Олимларимизнинг бу борадаги илмий изланишлари натижасини мумкин қадар тезроқ талабаларга етказишимиз лозим. Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетида филология фанлари доктори, профессор Б. Қосимов мудирлигида янги бир кафедра — "Миллий уйғониш даври адабиёти" кафедраси очилдики, буни қўллаб-қувватлаймиз. Мана шундай кафедра бизнинг институтимизда ҳам очилса, жуда фойдали бўлар эди. Чунки шундай кафедра бўлгандагина XIX асрнинг 2-ярмидан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган энг мураккаб даврадабиётини пухта ўргатиш имконига эга бўламиз. Афсуски, олий адабий таълим методикаси деярли қўл урилмаган соҳа — очилмаган қўриқ бўлиб қолмоқда. Бу масалада таклифимиз шундан иборатки, институтимизда олий адабий таълим методикаси илмий лабораторияси очилса, шунингдек, педагогика илмий-тадқиқот институтида ҳам олий адабий таълим методикаси шўъбаси (махсус) фаолият кўрсатса, диссертациялар учун мавзулар ажратилса. Кези келганда айтиб ўтишни истардикки, "Қофия илми", "Сўз санъатлари илми", "Муаммо илми" каби ("Илми адаб") поэтика илмидан сабоқ берадиган фанларга миллий қадриятларимиз қад кўтараётган ҳозирги давримизда қайта жон бағишлаш пайти келмадимикан. Зеро, ўзбек шеърияти поэтикасини пухта ўзлаштирмай туриб ҳақиқий адабиёт муаллими шаклланмайди. Дарҳақиқат, бир истагимизни айтиб ўтмоқни лозим топдик. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти педагогика дорилфунунига айлантирилса, самараси ёмон бўлмасди. Институтнинг илмий-педагогика кучи (65 та фан доктори ва профессор, 450 га яқин фан омзоди ва доцент) шуни тақозо қилади. Институт мамлакатда ягона педагогика дорилфунуни мақомини олса, нур устига нур бўлур эди.

Т. БОБОЕВ,
Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент.
Ҳ. ҲОМИДОВ,
Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

Тил билган эл билади

МУЛОҚОТ — ИЛҒОР УСУЛ

Хорижий тилларни ўқитишда фақат унинг грамматик томонига асосий урғу берилиб, амалий мулоқот малакаларини эгаллашга (коммуникатив метод) етарли эътибор берилмай келинди. Шу боис чет тилларидан ишлаб чиқилган концепцияларнинг асосий янгилиги ҳам таълимни коммуникатив методга асосланланлигида деб қарамоқ мумкин. Бу ўз навбатида ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунида ҳам шу йўналишга мос ўзгаришлар киритиб борилишини тақозо этмоқда. Лекин бунинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Аввало, коммуникатив методнинг ўзига хос тамойилларига амал қилиш бўйича республикамиз чет тили ўқитувчиларига услубий ёрдам кўрсатиш биринчи галдаги вазифадир.

Яқинда Бухоро шаҳрида француз тили чет тили сифатида ўқитиладиган ўрта умумий таълим мактаблари ўқитувчилари учун янги методга тайёрлаш бўйича минтақавий кенгаш ўтказилди.

Мазкур анжуман Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Унда Бухоро, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон мухтор Республикасидан 61 нафар француз тили ўқитувчилари қатнашди.

Кенгашни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад француз тилини ўқитишда мулоқот усулидан фойдаланишнинг услубий ва амалий асосларидан кўрсатма бериш, "Анаван ля мюзик" ва "Ле Нуво фронтьер" китоблари билан ишлаш бўйича йўналишларни белгилашдан иборат бўлди. Ушбу масалалар юзасидан Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг тил масалалари бўйича мутасаддиси Жорж Лефевр маърузаси, РЎММ директори Ш. Шомансуровнинг ахбороти тингланди. Анқарадаги француз тилини ўқитиш институтининг профессори Мюгетт Таланоф хоним, шу институт ўқитувчиси Семиха Хажничилар француз тилини ўқитишда коммуникатив методни қўллаш бўйича амалий машғулотлар ўтказдилар.

Кенгашни ўтказиш ватқида турли вилоятлардан келган француз тили ўқитувчилари бир-бирлари билан яқиндан мулоқотда бўлиб, ўзаро фикр алмашдилар. Жойларда чет тилини ўқитиш жараёнида коммуникатив методдан фойдаланиш тажрибалари ўртоқлашилди. Шунингдек, француз тилини ўқитишнинг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари муҳокама этилди. Айниқса, амалдаги француз тили дарсликларининг етишмаслиги, унинг мазмун жиҳатида ҳозирги кун талабларига мос эмаслиги, ўқитувчилар малакасини ошириш ишида шу каби семинарлар ўтказиш тажрибасидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Айниқса, туркий халқларга француз тилидан дарс бериш борасида катта тажриба тўплаган Анқарадаги француз тилини ўқитиш институтининг профессорлари билан бўлган жонли, амалий мулоқот нафақат француз тили ўқитувчилари учун, балки ушбу тилни ўрганаётган ўқувчилар учун ҳам фойдали бўлди.

Кенгаш иши якунида вилоятлардан келган ўқитувчиларга Ларус луғати, мулоқот усули бўйича услубий тўплам, дарслик ва қатор тавсияномалар, шунингдек магнитофон ва шу асосда ишлаб чиқилган дарслар ёзилган аудиокассеталар тарқатилди.

Анжуман қатнашчилари якунловчи мажлисда француз ўқитувчилари ўтган амалий машғулотлар уларнинг ишларига шубҳасиз ижобий таъсир этишини, шу сабаб бундай анжуманларни тез-тез ўтказиб туриш мувофиқлигини, улар келгусида француз тилини ўқитишда коммуникатив методдан фойдаланишни янада оммалаштириш ишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

С. АКБАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув-методика марказининг методисти.

Мунозара

КИМ ДЕБ ЧАҚИРАЙ?

Фарғона бозорида бир воқеага дуч келдим-у, ўшандан буён ўйлаб ўйимга етолмайман. Бозорда одамлар гавжум. Ёнимдан бир семиз одам лапанглаб ўтиб қолди. Орқасидан ориққина бир йигит уни чақирди:

— Ҳў, амаки!

"Амаки" парво қилмай кетаверди. Ҳалиги йигит унга етишга ҳаракат қилиб яна чақирди:

— Ҳой, амаки!

Семиз киши орқасига ўгирилиб:

— Мани чақиряпсизми? — деди.

— Ҳа, бир минутга, — деди йигит.

— Ман санга "ҳой" бўлиб қолдимми?

— Кечирасиз, исмингизни билмайманда.

— Ман санга "ҳой"ни кўрсатиб қўяман, амакинг уйингда, ман санга амаки эмасман...

Хуллас, йигитнинг гапи оғзида қолди-ю, семиз киши қудурлаб-ғудурлаб сўкиниб, тескари қараб кетди.

Шу воқеанинг гувоҳи бўлдим-у, ўйга толдим. Ҳақиқатан ҳам нотаниш одамга қандай мурожаат қилиш керак, ким деб чақириш одоб-ахлоққа тўғри келади, мурожаат қилишнинг тартиб-қоидалари борми?

Одамларнинг қайси жиҳатларига қараб, қандай мурожаат қилиш керак? Масалан, эркак аёлга, аёл эркакка, эр хотинга, хотин эрга, ёш қарига, қари ёшга, озчилик кўпчиликка, кўпчилик озчиликка қандай мурожаат қилиши керак?

Алишер Навоий, Бобур, Улуғбек ҳақидаги видеофильмларни кўриб, тарихий маданиятимизга ҳавас қиласан киши. (Амирим, шоҳим, пирим, бегим, бегойим, мавлоно, таксир, ҳазрат, мулла ака).

Ўтган ёзда Бешариққа семинарга бордик. 4-мактабда ўқувчилар ўқитувчи ва директорга, ўқитувчилар ва директор бир-бирига "устоз", "устозлар" деб мурожаат қилишлари менга маъқул кўринди. Ленинободлик ўқувчилар ўқитувчиларга "муаллим" деб мурожаат қилишар экан.

Кўриниб турибдики, мурожаат қилиш одоби маданий савиямизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, одобимизнинг кўзгуси ҳисобланади. Ҳар қандай суҳбат, муомала саломлашиш ва мурожаат қилишдан бошланади. Демак, саломлашиш ва мурожаат қанчалик самимий бўлса, бошқаларга нисбатан ҳурмат ўз ифодасини топса, суҳбат ҳам шунчалик самимий бўлади.

Қариндош-уруғчиликда мурожаат одоби халқимизда қабул қилинган бобо, буви, ойи, дада, амаки, тоға, хола сингари қариндошчилик номлари билан аталади. Лекин нотаниш кишиларга мурожаат қилишда иккиланиб қолмоқдамиз. Шунинг учун мурожаат қилиш одобини кенгроқ тарғиб қилиш ёки бўлмаса маълум бир қоида ишлаб чиқиш керакка ўхшайди.

Ўйлаймизки, газетхонлар бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ва тез орада мазкур қоидани ишлаб чиқиб, одобнома дарсларида ўқувчиларга етказамиз ҳамда халқимиз орасида муомалага киритамиз. Бу билан халқимиз маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

Олимжон ЮНУСХЎЖАЕВ.
Олтиариқ туманидаги С. Айний номидаги 5-ўрта мактаб директори.



Мактабгача тарбия муассасаларида

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 547-болалар боғчаси жамоаси кичкинтойларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишлари учун меҳрларини аямаяптилар. Айниқса, мусиқа раҳбари Барнохон Қорабоева ўзи ўргатаётган куй-қўшиқлари билан болажонларда она ватанимизга муҳаббат, дўстлик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик туйғуларини тарбияламоқда. Боғчани оталиққа олган болалар ижодиёти шаҳар маркази ходими Роза Зиёмуҳамедова эса русий забон тарбияланувчиларнинг ўзбек тилида эркин гаплашишлари учун яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ПЕДАГОГ-ЖУРНАЛИСТ, ШОИР ВА ТАРЖИМОН

Маънавий бойлик-улуғ инъом! Имон-эътиқод маънавиятнинг гултожисидир. Камина бу калималарни таниқли маърифатчи Ғафур Маннуповга нисбатан бемалол айта оламан.

Ғ. Маннопов ўз меҳнат фаолиятини республикамизнинг сўлим воҳаларидан бўлмиш Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги 6-мактабдан бошлаган. Энди билсам, Ғ. Маннопов у ерга ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисигина бўлиб эмас, балки миллий маънавият ва маърифат тарғиботчиси ҳам бўлиб борган экан. Мактабда бадиий тафаккур машъали порлай бошлади; унинг шогирдлари, ихлосмандлари, дўстлари кун сайин кўпая борди: у шеърни, монологни яхши ўқирди. А. Навоий, Ҳамза, Отелло, Муқанна монологларидан, "Алпомиш", "Рустамхон" каби халқ достонларидан парчаларни ёд ўқиганида ҳамма ҳайратда қолар эди. Ўзи ҳам шеър машқ қиларди. Бу алп қомат, қуюқ қош шаҳло кўз, Тоҳирмисол йигитча Навоий ролига кирганида, чекка-чеккада, одамлар орасида ибо ва ҳаё билан ҳаяжонланиб турган Гулилар беихтиёр "Пирим!" деб юборганларини ўзлари ҳам сезмай қолишарди...

У волейбол, теннис, шахмат-шашка каби ўйинларни яхши кўради, лекин футболнинг ашаддий ишқибози. "Бўзсувим — ўз сувим" шеърида буни ёрқин ифодалаган.

Ғ. Маннуповнинг ҳар бир дарси маънавият сабоғига айланарди: ўқувчилар кўнглида яхши бир туйғу, аҚлида янги бир ниҳол — мустақил фикрлаш фазилати куртак ота бошларди.

Ғ. Маннуповнинг педагоглик фаолияти 1956 йилданоқ ижодкор ўқитувчи сифатида бошланган. У, аввало, маънавият гулшани ҳисобланмиш она тили фанига меҳр-муҳаббат туйғусини тарбиялашга катта эътибор берди; она-Ватан, она-Ер, она-табиат, она сути ва она тили ҳақида кўплаб шеърлар машқ қилди; у "Ватан — она сўзи нақадар лазиз" деган иборани ҳар суҳбатда эсларди; адабиёт дарслари эса маънавий ва маърифий ривоятлар ва ҳикматларга уланиб кетарди; ўқувчилар унинг ҳар бир дарсидан катта бир қониқиш билан, улкан маънавий озиқ олиб чиқишар эди ва кейинги машғулотни интиқлик билан кутишарди, унинг ҳар бир дарси жуда жонли ва қизиқарли ўтарди: у дарсга "поэтик жон" бахш этарди.

ҚУТЛАЙМИЗ !

Ғ. Маннуповнинг ташаббуси билан, нафақат у фаолият кўрсатган 6-мактабда, балки туман миқёсида биринчи бор бадиий ҳаваскорлик драма тўгараги ташкил этилган эди. "Умр гулшани" жундалик дафтари ва "Ҳаёт чорраҳаларида" фотоальбомида бундай тарихий лавҳалар жуда кўп.

Маърифатпарварлик фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Ғ. Маннопов кейинчалик илмий бўлим мудири бўлди. 1959-60-йилларда эса Ўзбекистон телеграф агентлигида ишлади. 1960 йил декабридан то ҳозирги кунгача "Маърифат" ("Ўқитувчилар газетаси")да ишлаб келмоқда: 1960-63 йилларда мактабдан ташқари муассасалар бўлими мудири, 1963-70 йилларда масъул котиб лавозимида сидқидилдан меҳнат қилди; 1970 йилдан эътиборан ижтимоий тарбия бўлимини бошқариб келмоқда.

Ғ. Маннопов — имон-эътиқодли, ҳалол одам: у ўзининг 37 йиллик журналистлик фаолиятида катта ижодий ташаббускорлик намуналарини кўрсатди; газета мазмунмундаражасини бойитиш тадбирларини белгилади, топшириқларни тез ва сифатли бажаришда шахсий намуна бўлди. Ҳам педагог-шоир, ҳам педагог-журналист сифатида кўплаб шогирдлар етиштирди. Сўзи кескир, қалами ўткир, нутқи равон, тили таъсирли, фикри тиниқ ижодкорлар сафидан ўрин олди.

У журналистлик фаолияти мобайнида тажрибали педагоглар, илғор педагогик жамоалар тўғрисида кўплаб очерклар, публицистик мақолалар ва лавҳалар ёзди; мунтазам равишда таржима билан шуғулланди. 1977 йилда "Ёш гвардия" нашриёти В. Сухомлинсикийнинг "Тарбия тўғрисида" китобини унинг таржимасида чоп этди. Ўз даврининг муайян қарашлари таъсир кўрсатган бўлсада, мазкур китоб ҳозирги кунда ҳам маънавий қимматга эгадир.

Ғафур — юртсевар, элпарвар журналист, маърифат тарғиботчиси. Халқимизда "Маърифатли халқ — бахтли халқ" деган ибора бор: маърифатли халқ ўз келажаги — истиқболини таъминловчи тарихий-миллий анъанага эга бўлади; ўзбек тўйлари ва лаззатли таомлари, қадрияти ва ҳикматлари... халқимизнинг маънавий бойликларидан далолатдир. Акмал Икромов туманининг "Қизил Шарқ" маҳалласида бирон-бир жамоат юмуши бўлса, Ғ. Маннопов дарҳол бош-қош; тўйлар у кишисиз ўтмайди.

У миллий мусиқани яхши тушунади, куйларни фарқлай билади. Бир мисол: маҳалла маърифатпарварларидан Акбар ака ўғил тўй қилаётган эди. Қозонқурар, сабзитўғрар бўлаётган эди. Ғафур шогирди Искандархонга "Маҳалла ҳақида қўшиқ куйлаш вақти келди", дейди. Илҳом жўшиб турган шоир "Катта Қаъни маҳаллам" деган шеърнинг қораламасини тайёрлади. Эртаси куни наҳорги ошга қўшиқ тайёр бўлди. Куйни маҳалла санъаткорларидан Шомурод Фармонов басталади.

1991 йилда Ғафур Маннуповга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони берилди. Бугунги кунда унинг кўксини "Меҳнат фахрийси", "Мустақиллик" медаллари, "СССР маорифи аълочиси", "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишонлари безаб турибди. У кўплаб раҳматномаларга, мақтов ва фахрий ёрлиқларга ҳам сазовор бўлган. Бугунги кунда у умрининг 60 баҳорини қўша-қўша фарзандлари, набиралари ҳамда қадрдон ҳамкасблари, маҳалладошлари даврасида шодхуррамлик ва ўзига хос шукроналик билан кутиб олмоқда.

Карим НАЗАРОВ,
профессор.

СУРАТ КЕЛДИ

Сурат келди солдат ўғлидан,
Она гўё сиғмас этига.
Такрор-такрор боқар суқ билан,
Тўймас сира иссиқ бетига.

Сурат келди хушхабар келди,
Ёқилгандай ичига чироқ.
Қўшниларга югурди-елди,
Юрагидан чекинди фироқ.

Солдат, фарзанд она учун боғ,
Қизғанмагин хатдан фурсатинг.
Яшнаб кетар тушганда ҳатто
Кўзларига азиз суратинг.

МУБОРАКБОД

Шоир бўлсам бир кун элга муносиб,
Мени шоирим деб атаса халқим,
Навоий девони кўксимга босиб,
Пушкин даҳосига қилурман таъзим.
Э. ВОҲИДОВ.

Шоир бўлдинг бугун ўзинг айтгандай
Шеърларингда оташ, ёрқин бўёқлар.
Она юртинг мадҳи, инсонлар дарди,
Покиза юракли қўли қадоқлар.

Бир вақт жилға эдинг, орзу қилгандинг
Катта дарё бўлиб тўлиб оқишни.
Бугун бахтиёрсан ниятга етиб,
Қабул этмоқдасан юртдан олқишни.

Ҳамза мукофоти муборак бўлсин,
Ижод бўстонида қучабер зафар.
Замон нафасини сезиб турайлик,
Жўшқин шеърларингни ўқиб ҳар сафар.

УМР ДАФТАРИ

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир,шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.
Ғафур ҒУЛОМ

Бугун тўй, тантана — дилларда қувонч,
Қўшиқ айтар ҳатто ариқдаги сув.
Дўстлар қутлашади келин, куёвни
Диллардан тошади бир олам орзу.

Дўстларнинг орзуси, нияти холис,
Қўшақаринглар, — дер, ҳар йигит,
ҳар қиз.
Яхшилик, омонлик ёр бўлсин мудом
Рўпара келмасин ёмонлик ҳаргиз.

Ота-онангизнинг суянчиғисиз,
Бўлингиз уларга ҳамдам, парвона.
Йиллар ўтиб Сиз ҳам ниятга етиб,
Бўласиз меҳрибон ота ва она.

Умр дафтарининг саҳифаларин
Ҳамиша безангиз шарафга, шонга.
Одамларга ғамхўр, шафқатли бўлинг,
Зарур бўлса оро киринг жонга.
Яшангиз ҳамиша шодликка тўлиб,
Ҳаётда кўрингиз тўю томоша.
Умрингиз зажирнинг халқаси каби
Уланиб чирмашсин асрлар оша.

ҚОВУН ЭКИНГ, АМАКИ

Ширин қовун, тарвузни
Кўпрок экинг, амаки.
Пўстлоғининг устида
Бўлмасин шўр-намаги.

Ўтган йили сотишди
Дўндай семиз қовунни.
Лоҳас бўлдик бир карч еб,
Чангалладик қоринни.

Баҳор келди далага,
Ҳорманг, деҳқон амаки.
Энди қовун полизда
Ўссин шакар палаги.

Ғафур МАННОПОВ.

Ёш мусаввирлар

САНЪАТ ОШУФТАЛАРИ

Республика ўқувчилар саройининг кенг ва ёруғ залига қадам қўйишингиз билан ўқувчилар томонидан ишланган расмлар эътиборингизни тортади. Жумладан, "Шарқ эртаклари" деб номланган расмлар кўргазмасида ҳаваскор ўқувчилар ўзлари севган ижобий қаҳрамонлар ҳамда шоҳ саройларини тасвирлаганлар.

"Ўзбекча рақс" асарида эса дарахтлар қийғос гуллаган боғда миллий либосдаги ҳаваскор раққосаларнинг завқ билан рақсга тушаётганликлари акс эттирилган.

Мазкур расмлар тасвирий санъат тўгараги аъзолари Шоҳруҳ Фозилов, Эльвира Мурсеева, Тимур Мустафин ва Илёс Янбухтинлар қаламига мансубдир.

Тўгаракда пойтахт мактаблари ўқувчиларидан 150 нафари уч гуруҳга бўлиниб шуғулланишади. Болалар тўгарак раҳбарлари Дилбар Назарова, Татьяна Борисовна Сараева ва Малоҳат Содиқова бошчилигида рассомликнинг ўзига хос нозик сирларини ўрганишаётир.

— Рассом нима билан расм чизади, деган саволга кўпчилик болалар мўйқалам, қ[illegible] билан, дея оддийгина жавоб беришади,— дейди Татьяна Борисовна.— Асло ундай эмас. Рассом аввало, юракдан ҳис қилган ҳолда мустақил фикрлаб, ижодий ёндашиб чизгандагина расм кўнгилдагидек чиқади. Китобдан айнан кўчириш билан рассом бўлолмайди. Самимий ва жаҳлдор инсонларнинг портретлари, аввало, қалбан ҳис қилиб тасвирланади. Масалан, самимий кишилар очиқ рангларда, жаҳлдор, жаҳолатпарастлар эса қуюқ бўёқларда акс эттирилади.

Болаларнинг фикрлаш, хотирада сақлаб қолиш қобилияти турлича бўлади. Айрим болалар яхши чизолмаса-да, юракдан ҳис эта олади. Ана шундай ўқувчилар билан Т. Сараева яккама-якка шуғулланади.

Тўгаракка янги келган болага дастлаб ёш мусаввирлар учун қизиқарли ўйин чизгилари ўргатилиб, уларда тасвирий санъатга ҳавас уйғотилади. Икки-уч йилдан сўнг эса уларнинг санъатга ихлосини ўстириш, фикр доирасини кенгайтириш мақсадида тўгарак раҳбари қизиқарли мавзу танлайди. Масалан, ҳайвонот боғи кўринишининг асосини ташкил қилувчи қисмини тўгарак раҳбари тасвирлаб, уни тўлдиришни ўқувчиларга ҳавола қилади. Шунда болада қизиқиш, ички бир севинч туйғуси пайдо бўлади. Ўқувчилар жонзотларни, томоша қилаётган катта-кичик томошабинларни имкон қадар акс эттирадилар. Сўнгра чизгилар қирқиб олиниб, ҳайвонот боғи тасвирланган асосий чизгига ёпиштирилади. Расмни кўрган киши ўқувчилар жамоаси иши жозибадорлиги, ижодий ёндашиб акс эттирилганлигининг гувоҳи бўлади. Ана шу тариқа болаларнинг ранг-тасвирга қизиқиши ортиб, фикрлаш қобилияти кенгая боради.

Ўқувчилар саройидаги тўгаракларнинг раҳбарлари пойтахтимиздаги кўпгина мактабларга тез-тез ташриф буюриб, ўқувчиларга ҳар бир тўгарак фаолияти, унинг келажаги ҳақида маълумот берадилар. Болаларни ўзлари севган ҳунарларни эгаллашга жалб қиладилар.

Тўгаракда қобилиятли, ихлосманд болалар талайгина. Санъатнинг дастлабки сирларини тўгаракда олган Шоира Маҳмудова, Улуғбек Сотиболдиев, Муртазо Ҳамдамов, Шуҳрат Одилов, Журъат Фариддинов каби тарбияланувчилар ҳозир Беньков номидаги рассомлик билим юртида таҳсил олишяпти. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг III республика слётида иштирок этиб, тўртинчи ўринни олган Раҳматжон Қаюмов ҳам ҳозир рассомлик билим юрти талабасидир.

— 1994 йил — Халқаро оила йили. Шу муносабат билан Женевада ўтказилган Халқаро кўргазмада, — дейди Республика ўқувчилар саройи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, "Шуҳрат" медали соҳиби Олия Иброҳимова,— ёш, истеъдодли мусаввирлардан Форуҳ Бахромов "Оиламиз ҳамкорликда нима қила олади?", Шоҳруҳ Фозилов "Отам ва мен таътил кунларида", "Бизнинг дала", Жавлон Турдиҳўжаев "Наврўз қувончлари", Маърифат Шожалилова "Қувноқ қизлар даврасида" асарлари билан иштирок этдилар.

Ҳа, рассом киши юрагига сўз билан эмас, балки қалбан ҳис этиб чизган расмлари билан таъсир эта олади. Санъат ихлосмандлари юксак дидли, сабр-тоқатли, ранг-тасвирларнинг фарқига борадиган бўладилар. Чунки нафосат санъат ошуфталарини шундай тарбиялайди.

Дилбар ҲЎЖАЕВА.

"Кузак шамоллари эсдилар яна...".
Холмат Мирзакаримов сурат-лавҳаси.

В. СУХОМЛИНСКИЙ

Тарбия ҳақида

ҒЎЗАЛЛИҚДАН ИНСОНИЙЛИККА

Жаҳонда табиати, далаларимиз, ўтлоқларимиздан кўра гўзалроқ мамлакатлар ҳам бор. Лекин юртимизнинг кўнглимизга яқин гўзаллиги фарзандларимизга азиз ва мўътабар бўлмоғи керак. Шунга эришиш керакки, болалар баҳорда дарахтларнинг оқ чойшабга бурканган гуллашини, довдарахтларнинг гуллари узра асаларларнинг учишини, олмаларнинг тўлишиши ва помидорларнинг ранг олишини шундоққина кўриб қолмай, уларнинг барчасидан қувониш ва завқланишни бошдан кечиришлари керак. Болалик улар хотирасида қуёшдай ёрқин қиёфаларда: оппоқ бўлиб гуллаган боғ, буғдойзорда янграган асаларининг такрорланмас куйи, тубсиз, совуқ куз осмонида уфққа якинлашиб қолган турна галаси, туманда ғира-шира кўзга ташланиб турган кўкимтир тепаликлар, қип-қизил уфқ, ҳовуз кўзгусига энгашиб қолган самбиттол, йўл ёқасидаги сарвқомат тераклар қиёфасида сақланиб қолсин. Уларнинг ҳамма-ҳаммаси болалик йилларидаги ҳаёт гўзаллиги сифатида, энг азиз хотиралар сифатида юракда ўчмас из қолдирсин.

***

Биз тепаликда ўтирибмиз. Атрофимизда чигирткаларнинг жўр бўлиб чиройли чириллаши эшитилмоқда. Ҳавони чўл гиёҳларининг хушбўй иси қоплаган. Биз сукут сақлаймиз. Бундай пайтларда болаларга кўп гапирмаслик керак. Сўз — эрмак эмас, гап билан зериктириш эса энг хавфли бездиришдир. Бола фақат тарбиячининг гапларини тинглабгина қолмай, балки сукут сақлаши ҳам керак: мана шу сукут сақлаш дақиқаларида у эшитган ва кўрганлари ҳақида ўйлайди, уларнинг мағзини чақади. Ўқитувчи гапириб бериш вақтида меъёрга риоя қилиши жуда ҳам зарур. Болаларни сўзларни идрок этишнинг фаолиятсиз объектига айлантирмаслиги керак. Ҳар бир ёрқин образнинг мағзини чақиш учун — хоҳ у кўргазмали, хоҳ сўз билан ифодаланган бўлсин, кўп вақт ва асаб кучи талаб этилади. Болага ўйлаши учун имкон бериш педагогнинг моҳирлик хусусиятларидан биридир.

***

Шу нарса жуда муҳимки, болалар мактабга боргунларига қадар уларни ўз бағрига олган ажойиб табиат, ўйинлар, гўзаллик, музика, фантазия, ижод дунёси ёпилиб қолмасин. Дастлабки ойлар ва мактаб ҳаёти йиллари давомидаги ўқиш фаолиятининг бир хил турига айланиб қолмаслиги лозим. Ўқитувчилар уларга илгаридан қадрдон бўлиб келган қувонч эшигини сидқидилдан очиб берсаларгина бола мактабни севиб қолади.

Шу билан бирга болага зерикарли туюлмаслиги учун ўқишни уларнинг қувончларига мутаносиблаштириш, уни атайин енгиллаштириш ярамайди. Болани аста-секинлик билан бутун инсон ҳаётининг энг муҳим ишига жиддий, қатъиятли, қунт билан ишлаш меҳнатига тайёрлаш керак. Зотан, бусиз фикрни бир жойга тўплаш мумкин эмас.

***

... Дастлабки тафаккур дарслари синфда, синф доскаси олдида эмас, балки табиат қўйнида бўлмоғи керак... Чинакам фикр ҳамиша ҳаяжонли туйғу билан тўлиб-тошган бўлади; бола сўзнинг ёқимли таъсирини севиб қолса, унинг юрагини илҳом чулғайди. Далага, боққа боринг, тафаккур булоғидан сув ичинг. Мана шу оби ҳаёт сизнинг талабаларингизни оқил тадқиқотчиларга, тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчи кишиларга ва шоирларга айлантиради. Мен ўз тажрибамда шунга минг карра ишонч ҳосил қилганманки, шоирона, эҳтиросли-эстетик кайфиятсиз боланинг тўлақонли ақлий ривожланиши мумкин эмас. Бола тафаккури табиатининг ўзи ҳам шеърий ижодни талаб этади. Гўзаллик ва жонли тафаккур ҳам қуёш ва гуллар сингари уйғунлашиб кетгандир. Шеърий ижодиёт гўзалликни кўришдан бошланади. Табиат гўзаллиги идрокни ўткирлаштиради, ижодий фикрни уйғотади, сўзни шахсий кечинмалар билан бойитади.

Биз болаларда эстетик таассуротларнинг тўпланиши тўғрисида қайғурамиз — эстетик вазият тўғрисидаги ғамхўрлик ана шундан бошланади. Бола мактаб остонасидан ҳатлаб кўзи тушадиган ҳамма нарса, у бу ерда дуч келадиган ҳамма нарса гўзал. Яшилликка бурканган мактабимизнинг умумий кўриниши ҳам, қаҳрабо узум бошлари товланиб турган ям-яшил ток туплари ҳам, мактабнинг бир корпусидан иккинчи корпусига олиб борувчи йўл ёқасидаги атиргуллар ҳам чиройли. Мактаб боғидаги дарахтларнинг шох-шаббалари йилнинг барча фаслларида ҳам чиройли. Мактабнинг асосий кириш жойидаги аймоқи ток билан ўралган зина ҳам чиройли...

***

Ёш болани эрта тонгда уйқудан уйғотиш қийин, уни боққа, далага олиб бориш ҳам қийин — уйқу шундай ширин нарса. Бироқ сиз унга бу қийинчиликни илк бор енгиб ўтишда ёрдам беринг, эрта тонг гўзаллигини кўрсатиб, унинг кўзини очинг, у янгидан бошланаётган кун оҳангига қулоқ солсин — шундан кейин унинг ўзи ҳам тонгда уйқудан уйғонишга эринмайди, табиат гўзаллигини томоша қилишга чиқади ва кейинчалик, йиллар ўтиб у, тонгни уйқуда ўтказиб юборибман, деб пушаймон қилмайди.

***

Мен болаларнинг маънавий қувончлари манбаи меҳнатда эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Инсон фақат қорнини тўйғазиш, кийиниш ва бошпана қуриш учунгина эмас, балки истиқомат қилаётган уйи ёнида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам қувонч бахш этувчи гуллар очилиб туриши учун меҳнат қилсин — у болалик чоғиданоқ қувонч келтириш йўлида меҳнат қилишга ўргансин..

***

... Агар бола гулнинг чиройидан завқланиш учун уни экиб ўстирган экан, агар гўзалликдан ҳузур қилиш ва бу гўзалликни бошқаларнинг бахти ва қувончи учун юзага келтиришни ўз меҳнатига берилган мукофот деб ҳисоблар экан, у ёвузлик, қабиҳлик, ҳаёсизлик, бағритошлик қилолмайди. Бу ахлоқ тарбиясининг энг мураккаб масалаларидан биридир.

Маънавият — ҳаёт мактаби

ЭРТАКЛАРНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Бола онгининг ривожланишида ўтмиш воқеалари ва табиатнинг сир-асрорлари ҳақидаги эртаклар, ҳикоялар, ривоят ва афсоналар бебаҳо маънавий озиқдир. Бинобарин, "Халқ оғзаки ижоди" туркумида бир қанча том эртаклар чоп этилган.

Таниқли фольклорчи олим Ғани Жаҳонгиров ва Замира Абдурахимовалар тузган "Болалар эртак эшитиб ўссин" тўплами кичкинтойлар учун муносиб совға бўлди. Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси тайёрлаган бу рисолани Республика Ўқув-методика маркази чоп этган. Унга 30 дан ортиқ эртаклар киритилган.

Тўпламдаги эртаклар равон, тиниқ, ширали, содда тилда, қизиқарли ва ибратли воқеа-ҳодисалар ҳикоясидан иборатки, уларни ўқувчи бир ўқиш ёки эшитишда тушуниб олади.

Ҳаётда яхшилик ва ёмонлик доимо ёнма-ён юради, булар орасида мангу кураш кетади, ана шу икки қутб ўртасидаги муносабатда халқнинг нияту тилаги, орзу ҳаваси, урф-одатлари ўз ифодасини топади. Бир қутбда халқнинг севимли фарзандларига айланган Фарҳод, Тоҳир, Кенжа Ботир, Зуҳра, Ширин, Зумрадлар, иккинчи қутбда Қора ботир, Ялмоғиз кампир, дев, Аждарҳо, Алвасти — Ажиналар қораёвуз куч бўлиб турадилар. Эртак яхшиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ёмонларга ғазаб ва нафрат уйғотади. Китоб муаллифлари ижобий қаҳрамонларнинг руҳий оламини тадқиқ этиб, бу фазилатлар ҳар бир қалбда инсонийлик туйғуларини камол топдиришини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзадилар:

"Эртакларнинг ижобий қаҳрамонлари ички дунёси гўзал кишилардир. Шу сабабдан ҳам ҳамма уларни севади, ҳамма юртларда уларга дўст топилади, ҳамма жойда, ҳар қандай қийинчиликка учраган пайтларда ҳам уларга ёрдам қўлини чўзувчи кишилар топилади".

Эртакларнинг мана шундай теран ғоявий мазмуни ёш авлод тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эгаки, болаларга эртак айтиш ёки ўқиб беришга тарбиячилар масъулият билан ёндашишлари лозимлигини муаллифлар алоҳида таъкидлашади. Бинобарин, болаларни эртаклар мазмунидан келиб чиқиб тарбиялашда кўпгина усул ва воситалардан фойдаланиш мумкин. Энг муҳим ва таъсирли усуллардан бири эртакни маҳорат билан, қизиқарли, чиройли айтиш, сўзларни ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос оҳангда дона-дона талаффуз қилиш, қаҳрамон ҳолатини ифодалаб бера олишдир.

Қишнинг узун тунларида, баҳорнинг ёмғирли кунларида, ёзнинг сутдек ойдин оқшомларида, кузнинг танни жунжитадиган изғиринли кечаларида бобо-бувиларимиздан эшитган антиқа эртагу чўпчаклар хотирамизда муҳрланиб қолганлиги бежиз эмас.

Замона зайли, турмушнинг "икир-чикир" ташвишлари билан ўралашиб, бунинг устига ойнаи жаҳон кўрсатувларига кўпроқ маҳлиё бўлиб эртак айтиш ва тинглаш, қизиқ ривоятлар ҳақида оилавий дилкаш суҳбатлар қуриш каби яхши одатларни унутиб қўйдик. Очиқ гап, ҳозирги суръатли давримизда болаларга ўйда эртак айтиб берувчилар камдан-кам учрайди. Кўпчилигимиз кичкинтойларимиз "Ойижон ва бувижон, эртак айтиб беринг" десалар, қўполлик билан: "Бошимни қотирма, дарсингни қил (ёки ётиб ухла) эртага вақтли туриб боғчага (ёки мактабга) боришинг керак", деб танбеҳ берамиз, бу билан боланинг сазасини ўлдирамиз, иштиёкини сусайтирамиз.

Кичкинтойларга эртак айтиб бериб тарбиялашдек яхши урф-одатимизни нафақат уйда, балки боғча ва мактабларда, бошқа болалар муассасаларида ҳам намунали ва сифатли йўлга қўйишимиз керак. Негаки, эртаклар орқали ёш авлод қалбига, она — Ватанга садоқат, табиатга меҳр, меҳнатга муҳаббат каби фазилатларни осон сингдириш мумкин. Шу маънода "Бола эртак эшитиб ўссин" рисоласи боғча тарбиячилари учун ҳам, ота-оналар учун ҳам зарур қўлланмадир.

Билол АМИНОВ
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.
Тўлқин РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Обуна — 95

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" — МАСЛАКДОШИНГИЗ

Агар Сиз, газетамизга келгуси йил обуна бўлсангиз, доимий бериб борилаётган рукнларимиз остида қизиқарли хабарлар, салмоқдор мақолалар ва бадиий ижод намуналари билан танишишингиз мумкин. Хусусан, "Етти кун" рукнида мамлакатимизнинг энг қизиқ воқеаларидан Сизни огоҳ этсак, "Дераза" рукнида жаҳон аҳволотидан хабарлар берамиз. "Панжара" рукни каззоблару мутаҳаммлар фаолиятининг, қора қилмишининг қандай якун топганлиги билан таништиради.

"Меърож адаби", "Балоғат бекати", "Болалар дунёси" саҳифаларида берилаётган материаллар иш фаолиятингизда ҳам асқотиши турган гап. Тарбияга оид китоблардан парчалар чоп этишни келгуси йилда ҳам давом эттириш ниятимиз бор. Алий Назимо қаламига мансуб Қизлар тарбияси китобини давомли қилиб бериб бораётганимиз ва бу хусусда Сиз азизлар билдираётган илиқ фикрлар бунга туртки бўлмоқда. "Бир куни", "Эсдалик" рукнларида берилаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ибратли томонлари, ўйлаймизки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Умуман олганда, "Оила ва жамият" ижодий жамоаси имкон қадар Сизга маъқул йўлдан бормоқ ҳаракатида. Бунда албатта Сизнинг ёрдамингиз биз учун зарур ва аҳамиятли. Газетамизга обуна бўлинг, ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг! Биз Сиз билан ҳар бир ишда маслакдошмиз.

Индексимиз: 64654, олти ойга — 83 сўм 40 тийин, уч ойга 41 сўм 70 тийин.

"Оила ва жамият" таҳририяти.

"ИҚТИСОД ВА ҲИСОБОТ" — ФАРОВОН ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА!

Бозор иқтисодиётига ўтганимиз сайин иқтисодий билимлар бизга нақадар зарур эканлигини янада чуқурроқ ҳис қилмоқдамиз. Ўзбекистон иқтисодиётининг қонун-қоидалари, хусусийлаштириш босқичлари ва муаммолари, иқтисодий алоқалар, қўшма ва кичик корхоналар ташкил қилишнинг сир-синоатлари, фермерлик, яхши ҳамкорлар топиш ва шунга ўхшаш бошқа ўнлаб маса алар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Барча иқтисодий билимларни ўзида жамлаган — "Иқтисод ва ҳисобот" — "Экономика и статистика" журналларига обуна бўлсангиз бу соҳага оид ўз саволларингизга тез ва пухта жавоб топасиз. Мутолаа мобайнида бир оз толиқсангиз, ундаги дам олиш саҳифалари Сизга ёрдамга келади. Тарихий мавзудаги мақолалар ҳам Сизни бефарқ қолдирмайди.

Нашрга ҳар бир алоқа бўлимида обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна баҳоси бир йилга 124 сўм, ярим йилга 62 сўм.

ОБУНА — 95

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР !

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий "МУЛОҚОТ" журналига обуна бўлишни унутмадингизми?

Журнал ҳар ойда бир марта чиқади.
Обуна баҳоси:
Бир йилга 64 сўм 80 тийин.
Олти ойга 32 сўм 40 тийин.

"МУЛОҚОТ" журнали кўнглингизга нур, фикрингизга зиё, хонадонингизга файз бахш этишига ишонамиз.

Иштихон туман халқ таълими бўлими ва 8-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб директори Тошпўлат Мавлоновга онаси

Бахмал она Яссоқ қизи ТУРДИЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Мактабгача тарбия" журналининг жамоаси шу журнал бош муҳаррири 'Муҳаммадали Қўшмоқбойга акаси

Йигитали ҚЎШМОҚБОЙ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1246. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6